

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 29-iyul / № 26 (4685)

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!

Келинчақдай кўрам Самарқанд кундан кунга чирой очмоқда. Ҳар кун, ҳар қадамда бир янгилик. Мана, шулардан айримлари: вилоятда “Абадий шаҳар” мажмуаси барпо этилмоқда. Қирқ уч гектар ерда ёшлар саноат зоналари ташкил қилиняпти. Каттақўрғон туманида кунига етти ярим минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган, лойиҳа қиймати уч юз эллик минг долларлик завод, Тойлоқ туманида эса янгидан-янги мактаблар қуриляпти. Юз минг аҳоли яшайдиган кўп қаватли тураржойлардан иборат “Қорасув” массиви барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд муаззам шаҳарга айланмоқда.

ЗАМИН САЙҚАЛИ САМАРҚАНД

Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, даромадларни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда

Эскирган симёғочлар янгиланади. Йил якунига қадар ийгирма учта маҳаллада “Обод маҳалла маскани” ташкил этилади. Ушбу масканларда тикувчилик цехи,



маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари тавсияси ва ҳулосаси асосида 1,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ шу мақсадларга йўналтирилди. 2026 йилга қадар вилоятда камида икки юз эллик мингта доимий реал иш ўрни яратиб, ишсизлик даражасини икки баробарга қисқартирадиган саккиз миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида вилоятнинг деярли барча ички ва ташқи йўллари тошланади, асфальтланади. Мавжуд кўприклар таъмирланиб, реконструкция қилинади.

гўзаллик саломи, пишириқ пишириш, хунармандчилик, кутубхона, ўқув марказлари, фитнес клублар фаолияти йўлга қўйилади. Маълумки, аждодларимиз қолдирган бой маданий мерос азал-азалдан дунё халқларини қизиқтириб келади. Шу боис кўҳна ва навқирон Самарқанд туристик инфратузилмани ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Айни пайтда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар табиат қўйнида дам олиш билан бирга, бой миллий урф-одатлару қадриятларимиздан баҳраманд бўлишмоқда. Айниқса, Ко-



нигил қишлоғи сайёҳлар билан гавжум. Биламизки, бу ер Соҳибқирон Амир Темури даврида турли маросим ва тўйлар ўтказилган маскан бўлган. Бугун Қони-гилга экотуризм қадимги шон-шўхратини қайтариб берди. Туристларни қабул қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сибё ариғи бўйлаб сайр асосида халқимизнинг хунармандчилик тарихи билан яқиндан танишиш мумкин. Айниқса, бу ерда дунёга машҳур Самарқанд ипак қоғозини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани айни муддао. Қоғоз қадимий усулда тайёрланиб, ундан эллик турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади ва меҳмонларга совға қилинади. Турли устахоналар, мойжувозлардан чиқаётган овозлар, кулчилик маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари, сув тегирилган меҳмонларда ҳайрат уйғотади. Ургут туманидаги тоғ ён бағирларида жойлашган Терсақда ҳам туризм йўлга қўйилган. Мазкур ҳудудларга йилига минглаб туристлар келиб-кетмоқда.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалигини илмфан асосида ривожлантириш орқали


аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида соҳага янги инновацион технологиялар жорий этилмоқда. Муқобил энергия манбаларидан, хусусан, кўёш энергиясидан унумли фойдаланилмоқда. Жомбой туманида интенсив боғдорчиликка ихтисослашган “Оҳалик олтин боғлари” МЧЖ боғбонлари доимий равишда икки юз ийгирма бешта кўёш панелларидан фойдаланаётгани фикримиз исботи. Сув чиқмайдиган майдонларда кунига ўртача юз гектар ер томчилатиб суғорилади. Электр энергиясидан мутлақо фойдаланилмайди. Тежамкор боғбонлар томонидан йилига икки миллион тулдан ортиқ кўчат тайёрланиб, салмоқли даромад олинмоқда. Жомбой туманида водий услубида узум етиштириш йўлга қўйилиб, энг харидоригар навлар етиштирилмоқда. Саккиз ярим гектарли ишқомларда узумлар гарқ пишган. Бу боғларда узумга ишлов бериш, узиш ва қадоқлаш жуда қулай. Хонадонларда ҳам шу усулда узум етиштиришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. ▶2

ТАРИХГА БИР НАЗАР

БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИНИНГ СЕҲРИ

Соҳир қалам соҳиби, адиб Қамчибек Кенжанин “Бобурийлардан бири” номли китобининг тўлдирилган наشري бугун ўзининг ўттиз йиллигини нишонлаётган Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамда барча Бобур мухлислари учун ҳақиқий тўёна бўди. Ушбу китоб Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, таниқли олим Зокиржон Машрабов, унинг геология, археология соҳаларидаги хизматлари, халқаро Бобур экспедицияси сафарлари, кўплаб

лари комплекслари, озиқ-овқат, китоб дўкони, айвонлар, меҳмонхона ва дам олувчилар масканлари билан биргаликда маданият шаҳарчасига айланган. Археологик музейдаги осори атиқалар, устун ва кошнлар, янги қад кўтарган икки бино — “Бобур ва жаҳон маданияти музейи” ва Масжид ҳам боғга ўзига хос курк бағишлаб турибди. Ҳозирда бу боғ Ўзбекистондаги энг намунали миллий боғ ҳисобланади.



Суратда: (чапдан) Зокиржон Машрабов ва Қамчибек Кенжа.

Боғдаги кўчатлар ер шарининг турли гўшаларидан олиб келинган. Хилма-хил дарахлар ва анвойи гуллар ансамбллари, иқлимлаштирилган зайтунзорлар боғга янада ўзгача файзу тароват бағишлайди. Боғнинг энг катта ва қимматли бойлиги — бу, шубҳасиз, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи

маданий-маърифий тадбирлар ташкилотчиси сифатидаги фаолияти ҳақида.

Зокиржон Машрабов обод этган Бобур миллий боғи ўз тузилиши, тархи, ундаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур рамзий қабр-мақбараси, обсерватория, ҳайвий осма сим йўллари, юзлаб болалар ўйин-

ва ундаги мингдан зиёд китоблар — темирйиллар ва бобурийлар қаламига мансуб ва улар ҳақидаги илмий-оммабоп, тарихий, адабий-бадий асарлар, кўлёмалар, Бобур ва бобурийларнинг расм галереялари, альбомлардир.



ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар Учтепа туманидаги “Гулбахор” соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб, ушбу масканда дам олаётган Тошкент шаҳридаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ижодий учрашув ўтказишди.

Уюшма аъзолари оромгоҳда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, болажонлар билан дилдан суҳбат қуришди. Николай Ильин, Маъмура Зоҳидова, Нурилла Чори ўз шеърларидан ўқиди. Фаол ўқувчиларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган бадий китоблар улашилди.



Колумбиянинг Медиллин шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро шеърят фестивалида 135 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этди. Улар орасида ҳамюртларимиз, таниқли ижодкорлар Хосият Рустамова ва Шерзод Комил Халил ҳам бор. Улар ўз шеърларини ўзбек тилида ўқиди.

Сухандонлар Лорена Зарата Ўзбекистон ҳақида сўзлади ва Дамарис Роман Хосият Рустамованин испан тилига ўгирилган шеърларидан ўқиди. Турли давлатлардан келган иштирокчиларнинг шеърлари ташкилотчилар томонидан антология шаклида чоп этилиши режалаштирилган.

Фарғонада бўлиб ўтган адабиёт анжуманида 15 ёшдан 40 ёшгача бўлган ижодкорлар, таржимонлар, шеърсеварлар иштирок этди. Эркин Воҳидов номли ижодкорлар боғида дилбар сатрлар янгради.

Ойбек Бозорбоев, Фаррухбек Набиев сингари санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, Мунира Қўқонова, Абдуманноп Мансуров, Ўлмасой Нишонов, Муҳтарам Розикова сингари ижодкорларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Навоий кон-металлургия комбинати санаторийида адабий учрашувлар ўтказишди. Таниқли адабиётшунос, ёзувчи, шоир ва публицистлар кончилар билан учрашиб, адабиётга ташна қалбларга маърифат улашдилар.

Таниқли ёзувчилар Эркин Аъзам, Муҳаммад Салом ва Абдуқаном Йўлдошининг фикр-мулоҳазалари кўпчилиқда қизиқиш уйғотди. Туроб Ниёз, Инобат Нормуродова, Даврон Ражаб, Шоди Отамурод шеърлари даврага файз киритди.



РАССОМ УСТАХОНАСИДА

ИЖОДИМ – КЎНГИЛ МУЛКИМ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур билан суҳбатимиз ижодкорнинг мўъжазгина устахонасида кечди. Акмал Ваҳобжоновичнинг ижоди билан яқиндан танишман, бу инсон Бадиий академияга раҳбар бўлганидан сўнг турли кўргазмалар сабаб кўп марта газета учун интервьюлар олишга муваффақ бўлганман. Лекин рассомнинг устахонасида биринчи марта юзма-юз ўтириб суҳбатлашдик. Мўҳими, суҳбат жуда самимий, дўстона кечди. Суҳбат аввалида рассом ва давр масаласи тилга олинди. Ҳар бир даврнинг ижодкор ҳаётида тутган ўрни ҳақида Акмал Нур шундай деди:



— Шубҳасиз, ҳар бир давр ўзига хос, шу даврга мос ижодкорларнинг шаклланишига тurtки беради. Узоққа бормай, ўтган асрнинг етмишинчи йилларини олайлик. Уша даврда Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Шўҳрат Абдурашидов, Мақсуд Тохтаев каби ўзбек тасвирий санъатига ўз ижоди билан катта ҳисса қўшган рассомлар дадиллик билан кириб келишди. Кейин шундай бир давр бўлдики, Собир Раҳметов, Акмал Икромжонов, Муҳаммад Нуриддинов, Муҳаммаддиёр Турсунмуродов, Журъат Раҳмоний каби бир қатор ижодкорлар тасвирий санъат оламига дадил қадам қўйишди. Лекин, очигини айтганда, бу рассомлар ижоди ўзидан олдинги ҳамкасблари каби “шов-шув”ли бўлмади. Даврнинг бундай муносабати фақат рассомлар ижоди билан боғлиқ эмас,

деб ўйлайман. Чунки давр ўзгариши билан одамларнинг санъатга муносабати ҳам ўзгаради. Аслида ҳамиша шундай бўлади, яъни ҳар бир даврнинг ижодкор ва ижодга муносабати шу даврда яшаган одамларнинг онгу тафаккурига боғлиқ.

Биз ана шу авлоддан кейин ижод майдонига чиққанмиз. Бизнинг сафимизда Жамол Усмонов, Бобур Исмоилов, Мурод Қорабоев, Бахтиёр Турдиев каби қатор ўзига хос рассомлар етишиб чиқди. Уларнинг аксарияти зўр-зўр асарлари билан мутахассислар ва мухлислар тилига тушди. Бизнинг авлод ижоди олдинги рассомларимиз ижодидан бутунлай фарқ қилади. Агар биздан олдинги рассомлар ижодида шаклга жиддий эътибор берилган бўлса, бизнинг авлод вакилларида кўпроқ дунёга ўзгача нигоҳ билан қараш, борлиқдан фалсафий маъно қидириш, қолаверса, мавзуга сўфиёна ёндашиш кўзга ташланиб туради. Мен тилга олган бизнинг авлод бугун олтимишдан ошган ижодкорлардир. Ғофир Қодиров, Хуршид Зияхонов каби рассомлар билан бир сафдамиз.

— Ҳақиқатан ҳам сизларнинг ижодингизда фалсафий йўналиш асосий ўринда туради. Айтинг-чи, бунинг сабаби нимада?

— Биласизми, биз ижодимизнинг асосий палласида бир тузумдан бошқа бир тузумга ўтдик. Жамиятда, одамлар ҳаётида жуда катта ўзгариш юз берди. Бу ўзгаришлар ҳар бир ижодкор, жумладан, рассомлар қалбида ҳам ёруғлик пайдо қилди. Ҳар бир соҳада тузумларни бир-бирига солиштириш бошланди.



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бирорта мевали дарахт бир йилда икки бор ҳосил бермайди. Анжир эса икки бор пишди. Самарқанд туманидаги Боғибаланд анжирзорлари мевасининг ширинлиги ва баҳаво жойда етиштирилиши билан ажралиб туради. Бу анжирзорлар ҳам бугун мавсумий туризм объектига айланган. Боғбонлар сайёҳларга анжирнинг шифобахш хусусиятлари ва дарахтига ишлов бериш амалиётини тушунтириб, анжирзорлар тарихини ҳикоя қилишади. Бободехқонлар ва боғбонларнинг бетиним меҳнати, соҳага жорий эти-

турдаги эритма ҳамда йигирма турдан ортқ халдори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Малҳамларнинг асосий қисми ички бозорга йўналтирилган. Дориларнинг хавфсизлиги, сифати ва нархи доимий назоратда.

Саккиз турдаги шифобахш ўсимликларни қадоқлашга ихтисослашган яна бир корхона ишчилари доривор ўсимликларни вилоят ўрмон хўжаликлари ва уларни етиштириб бераётган фермер хўжаликларида олишади. "Шарқ табобати" илмий тадқиқот институти билан янги лойиҳалар устида иш олиб бораётган корхона мутахассислари турли ташкилот, муассаса

Энди Халқаро туризм маркази биноси ва иншоотлари ҳақида. Қиёси йўқ замонавий Конгресс холл ёки "Абадий шаҳар" мажмуаси, тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар, сунъий сув ҳавзалари, олтиш метрли ранг-баранг фавворалар, минглаб манзарали дарахтлар экилган боғ... қадим кентнинг ўтмиш ва келажак чорраҳасида яна бир мўъжизасидир. Нобё меъморий ечимга эга "Абадий шаҳар" мажмуасини кезар экансиз, буюк бобокалонларимизнинг бой маданий-маънавий меросидан баҳра оласиз. Ҳар қадамда шарқона муҳит, худди эрталардагидек... Мамлакат ривожини, халқ иродаси ва замон талабига мос

ЗАМИН САЙҚАЛИ САМАРҚАНД

лаётган янгиликлар сабаб, эл дастурхони тўкин-сочин.

Вилоятда бунёдкорлик ишлари жадаллашаётгани туфайли, қурилиш материалларига талаб катта. Пастдарғом туманида қурилиш молларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2021 йилда юзта лойиҳа ишлаб чиқаришга тadbик этилиб, олти юзга яқин янги иш ўрни яратилди. Иккита цемент ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. 2022 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида яна бир корхона фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу корхонада кунига беш юз тонна цемент ишлаб чиқарилади, юздан ортқ иш ўрни яратилади.

Самарқандда фармацевтика саноати ҳам ривожланипти. Ҳозир вилоятда саккизта фармацевтика ишлаб чиқариш корхонаси, етмиш еттита улгуржи, икки мингга яқин чакана савдо корхоналари ишлаб турибди. Фарҳод шаҳарчасидаги "Самарқанд Ингл эко медицина" МЧЖ ўзбек-инглиз қўшма корхонасида ўттиз тўрт

ва шифохоналарда фитобарлар ташкил этишга ҳам ёрдам беришапти. Мустақиллик байрами арафасида Фарҳод шаҳарчасида яна иккита фармацевтика корхонаси ишга туширилади.

Вилоятда бунёдкорлик, ободлик ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар ҳам авжида. Ислоҳ олами учун табаррук зиёратгоҳлардан бири бўлган Имом Бухорий мақбараси буюк муҳаддис салоҳиятига мос равишда қайта қурилмоқда. Янги лойиҳа бўйича мажмуада қарийб ун минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар қад ростлайди. Қадамжо ёнида ўзига хос меъморий кўринишга эга меҳмонхоналар, автотураргоҳ, автобекат, ошхоналар, савдо растанлари бунёд этилади. Янги мажмуа 2019 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби билан яхлит бир бутунлик ҳосил қилади. Яратилаётган қулайликлар зиёрат туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

қурилишлар, ободончилик ишлари кўзни қувонтиради.

Самарқандда ҳар куни бир халқаро анжуман, эл байрамига дуч келасиз.

Эъзи маданий тадбирлар саройи Афросиёб музейидаги деворий суратлар нусхаси асосида чизилган. Иморот безаклари юртимизнинг машҳур усталари ва самарқандлик хунармандлар томонидан яратилган. Йигирма олти метрлик баланд минора — юксакликка интилган орзулар рамзи. Мажмуада миллий галерея ҳам ташкил этилиб, ҳар бир ҳудуднинг бой маданий мероси тақдим этилади. Усталар бевосита шу ерда фаолият олиб бориб, сайёҳларга маҳорат дарсларини ўтишлари мумкин. "Абадий шаҳар" вақт ва замон чегараларидан ўтиб, юраклар тафтидан қувват оладиган ана шундай бетакрор масканга айланмоқда.

Топшўлат ТУГАЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Самарқанд вилояти бўлими
раҳбари

Равшанбек УБАЕВ:

«ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ЮКСАК ЧЎҚҚИДИР»

Ўзбекистондаги адабий жараён билан яқиндан танишиш истагида тахририятимизга ташриф буюрган қозоғистонлик ёш ижодкор Равшанбек Убаев икки қардош халқ ўртасидаги адабий-маданий казий Осиё мамлакатларидагина эмас, бутун дунёда тарғиб ва ташвиқ қилишга, ўрганишга арзиғулқидир. Туркий халқлар ўртасида аллақачон танилишга улгурган Усмон Азим, Эшқобил Шукур, Хосият алоқалар ривожиди муҳим ўрин тутётган замонавий ўзбек ва қозоқ ёзувчи-шоирларининг ўзаро ҳамкорлиги нафақат икки эл адабиёти, балки мамлакатларимиз тараққиётида ҳам бекиёс аҳамиятга эгаллигини теран аниқлаган қаламкашлардан.



У 1988 йил Туркистон вилоятида туғилган. Чимкент давлат университетидида қозоқ тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Айни вақтда Сайрам туманидаги 77-мактабда директор ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда. Ёш қаламкаш Қозоғистондаги ўзбек шоирларининг Ижодкор адабий бирлашмаси аъзоси сифатида ўзаро дўстона адабий алоқалар янги босқичга кўтарилганини эътироф этиб, бугунги авлод зиммасида туркий халқлар адабиёти ва маданиятини дунё афқор оммасига янада кенгрок танитишдек залворли вазифа турганини айтади.

— Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева сингари атоқли ўзбек шоирлари Қозоғистонда ҳам машҳур, — дейди Равшанбек Убаев. — Аслида уларнинг ижоди Мар-

маданияти, жумладан, адабиёти ҳам ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмайди, аксинча, унга қизиқиш янада кучайиб бораверади.

Болалигимдан адабиётга, хусусан, ўзбек адабиётига ихлосим баланд. Мен Муҳаммад Юсуфни ўз устозим деб биларман. Илк бор кўлимга тушган сайламасини деярли ёдлаб олганман. Бошқа кўплаб ўзбек адиб ва шоирларининг ижодини ҳам имкон қадар кузатиб борарман, албатта. Сир эмаски, орада узилишлар бўлгани сабаб, маълум бир муддат янги асарлар, янги номлар билан танишиш имкони бўлмади. Аммо барибир ўзбек адабиётига бўлган қизиқишим кучайган бўлса кучайдики, асло сусайгани йўқ.

Адабиёт бу — бир олов, у кўнгилда гуриллаб ёнса, асло ўчмайди. Ана шу

олов, ўгли қизиқишлар сабаб, ўзбек тилида ижод қиламан. Ўзбек адабиётининг ўрта ва кенжа авлод вакиллари ижоди билан танишишни, тажриба алмашишни истайман. Айнан шу истак мени Адилбар хиёбонига саёҳатдан сўнг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тахририятига етаклади.

Тўғриси айтсам, юртингиздаги адабиётга бўлган эътибордан ҳавасман. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси ва Адилбар хиёбони, айниқса, атоқли ёзувчи, шоирларнинг ҳайкаллари мени ҳайратга солди. Устозим Муҳаммад Юсуф билан дийдорлашиб, ҳаёлан суҳбатлашдим. Албатта, бундай ўзгаришлар таҳсинга лойиқ.

Ўзаро ҳамкорлик, "борди-келди" ҳақида гап кетганда, биз учун 2018 йил том маънода "Дўстлик йили" бўлганини айтишим керак. Ўша йили Самарқандга келган делегация таркибиди мен ҳам бор эдим. Бизни Хосият Рустамова, Гўзал-Бегим, сингари таниқли ижодкорлар кутиб олганди. Қозоғистонликлар орасида Иқромжон Ҳошимжон, Нуржиса Тўрамурад, Қўлбек Ергубек, Фариза Унгарсинова сингари таниқли ижодкорларнинг борлиги адабий тадбирларнинг нуфузини янада оширганди. Кўплаб тадбирларга тақлиф қилишди, ўнлаб ўзбек шоирлари билан дўстлашдим. Ҳозир ҳам улар билан кўришиб, суҳбатлашиб тураман.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД
ёзиб олди.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўтган кунларимизга бошқачароқ қараш имкони туғилди. Мумтоз адабиётимизга, сўфий олимлар, ёзувчилар ижодига илгари эътибор берилмасди. Энди буларнинг ижоди алоҳида ўрганила бошланди. Шуни алоҳида айтиш кераки, бизнинг авлод адабиётни яхши кўрди, севиб мутлоа қилишни бошлади. Биз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Ҳалима Худойберди-



ева, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзо, Сирожиддин Сайид, Салим Ашур, Рустам Мусурмон, хуллас, яхши шоир борки, ҳаммасининг шеърларини ўқидик, ўргандик, тушунишга ҳаракат қилдик. Шахсан ўзим худди шу йўлдан бордим. Яъни ҳар бир асаримда бирон фалсафий фикр беришга ҳаракат қилдим ва ҳозир ҳам шундай. Тўғри, охириги йилларда раҳбарлик ишлари билан бўлиб, ижоддан бир қадар узоклашгандек кўринишим мумкин. Лекин бу зоҳиран шундай, ботинан эса ҳаммиша ижод ҳаёлидаман. Оллоҳ қанча умр берган, билмайман. Лекин кейинчалик одамлар мени "Ақмал Нур ижодкор эди", деб эслашларини хоҳлайман. Чунки ижодим — ҳаётимнинг мазмуни, кўнгил мулким.

— **Ақмал Ваҳобжонович, нима деб ўйлайсиз, ижод билан боғлиқ олий ўқув юртиларига бугун фақат ҳақиқий истеъдоди борлар қабул қилинаётгани? Иқтидорни малака ошириш йўли билан юксалтириб бўладими?**

— Агар Оллоҳ юқтирмаган бўлса, минг ҳаракат қилган, меҳнат қилган билан ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди. Эҳтимол, ўртача бир ижодкор бўлиб ўтиб кетиш мумкин, лекин юксак натижаларга эришолмайди. Баъзилар бирор нарсаларни чизиб юрсам,

ўқишга бир амаллаб кириб олиб, у-бу нарсани ўрганиб олсам, рассом бўлиб кетаман, деб ўйлайди. Энг ачинарлиси, институтга чизишни ўрганиш учун ўқишга киришади.

Ўрни келиб қолди, бир воқеани айтиб бераман. Бир куни хонага тузуккина лавозимда ишлайдиган ижодкор одам ўғли билан кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин "Шу ўғлимизни рассомликка ўқитмоқчи эдик", деб қолди. "Бирор жойда шуғулланадими, суратларини олиб келдингизми?" деб сўрасам, "Ҳа, энди ўқишга кирганидан кейин чизишни ўрганади-да", деса бўладими. Иложи борича ўзимни кўлга олиб, рассомлик алоҳида истеъдод эканини, уни ўқиш жараёнида ўрганиб бўлмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Хуллас, у одам мендан хафа бўлиб чиқиб кетди. Анча ўтиб, институтга бориб қолсам, ўша йигитчага кўзим тушди. Ўқишга кирибди. Лекин, барибир, ярим йилдан кейин ўқишни ташлаб кетди. Боланинг вақти бекор кетгани қолди. Ахир, рассомлик иқтидори қонда

ча халқдан олдинда юришимиз, халқнинг эстетик дидини шакллантирадиган одамлар бўлишимиз лозим. Афсуски, биз кейинги пайтларда энг оддий томошабиннинг савиясига тушиб қоляпмиз. Ёрқин тасвирларни, гўзал манзараларни, яхши ишларни кўрсатишни тақлиф қилиб қолади баъзилар. Лекин ҳаёт фақат яхши нарсалар, ёрқин ранглардан иборат эмас-ку! Яхши нарсанинг қадрига етиш учун ёмонлиқнинг суратини ҳам кўрсатиб туриш керак, назаримда.

Рассомларимиз орасида чукор фикрлай оладиган, мазмунга кўпроқ эътибор берадиган, фақат юзаки шакл ўйинлари билан чекланиб қолмасдан, томошабинни фикрлашга чорлайдиган ижодкорлар бор. Афсуски, бугун саёз фикрлашга, ўзини қийнамасликка ўрганиб қолган томошабин бундай асарларни кўришни истамайди, жаннатмонанд манзаралар тасвирланаётган суратларини асар деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, ҳаёт фақат байрамдан иборат эмас, оқ ва қора ранг ҳаммиша ёнма-ён юради.

ИЖОДИМ — КЎНГИЛ МУЛКИМ

бўлиши керак, ўқитиш ва малака ошириш билан иқтидорни пайдо қилиб ёки малакани юксалтириб бўлмайди. Агар шундай одам омади келиб ёки тасодифан ўқишга кириб қолса, энг ачинарлиси, бир амаллаб битиргач, ўқитувчи бўлиб олади. Энди шу ўқитувчида ўқиган талабалардан нима кутиш мумкин? Бу ҳозир мени энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири.

Ҳозирги ёшларнинг кўплари умрида қаламни кўлига олмаган, лекин чизишни ўргансам рассом, ёзишни ўргансам, ёзувчи ёки шоир бўларман, деб ўйлайди. Шунинг учун биз ўзимиз иқтидорларни излаб топишимиз керак. Кўчадан келган истаган одам ижодий ўқув юртиларига ҳужжат топширишига қаршиман.

— **Бугун, назаримда, рассомлик соҳасида шов-шув билан ижод майдонига кириб келаётган ёш рассомлар сафи жуда торайиб кетди. Эҳтимол, бунга санъатшунос олимларнинг суғлиги ҳам сабаб бўлаётганми. Чунки ҳар қандай ижод соҳибининг ижодини юртга танитишда, уларнинг фаолиятини тарғиб қилишда санъатшуносларнинг ўзига хос ўрни борлигини инкор этиб бўлмайди.**

— Фикрларингизда жон бор. Лекин, келинг, бевосита саволингизга жавоб беришдан олдин бошқа муҳим бир омилга тўхталиб ўтайлик. Айтайлик, рассомчиликда бугун нима бўляпти? Узр-ку, баъзан умуман соҳадан хабари йўқ одамлар рассомга сурат чизишни, режиссёрга спектакль кўйишни, хонандага қўшиқ айтишни ўргатадиган бўлиб қолди. Аслида бундан хафа бўлиш ҳам қийин. Чунки бу ҳолатнинг асл сабаби ҳақиқий санъатшуносларнинг йўқлигида. Борларининг ҳам бир чеккада кузатувчи бўлиб турганида. Ваҳоланки, санъатшунос нафақат оддий мухлис, томошабиндан, балки ижодкордан ҳам бир поғона юқори туриши керак. Ўзимизнинг тасвирий санъатимизни оладиган бўлсак, биз иложи бори-

Тўғри, атрофимизда, ўзимизда яхши томонга ўзгаришлар жуда кўп, лекин қусурларимиз ҳам етарли. Нима учун қусурларимиз ҳақида деярли гапирмаймиз. Баъзиларимиз ҳатто бир-биримизни сотиш,



йўқилганини ҳатлаб ўтиб кетиш даражасига тушиб қолдик-ку! Афсуски, бу оддий ҳолга айланаб қолаётгани ҳақида гапирини хоҳламаймиз. Биз ҳақиқатни очик айтишни ўрганмас эканмиз, ижобий томонга силжишимиз қийин бўлади. Санъат ва санъатшунослар ҳам айнан шундай бўлиши керак. Биз санъатдаги ютуқ, камчиликларни асосли кўрсатиб, ҳалол таҳлил қилиб бериш. Кабинетда ўтириб, китоблар, қўлланмалар ёзишдан ташқари, соҳа ичида фаол бўлиш, муносабатини аниқ-тиниқ билдириб туриш санъатшуносларнинг ҳам олимлик, ҳам фуқаролик бурчи, деб биламан. Ана шундангина ҳақиқий санъат асарлари яратилади ва қадри ошади.

— **Бадий академиянинг фаолияти ҳақида, мутахассислар тайёрлаш борасида яна қан-**

дай мулоҳазаларингиз бор?

— Албатта, режалаштирилган ишларимиз бор ва уларни йиллар давомида амалга ошириб келяпмиз. Тадбирлар ва кўргазмаларимиз матбуот, радио ва телевидение, интернет орқали тарғиб қилиб бориляпти. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмас. Академиямизнинг олд қисми ва ён томонида ўрнатилган ҳайкалчаларга кўзингиз тушган бўлса керак. Бу ижод намуналари Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларининг битирув ишлари бўлиб, бугунги ёш ижодкорларнинг иқтидорини намоян этиб турибди. Ёшлар учун бу жуда муҳим омил, деб ўйлайман. Энди бундан буён амалга оширишни ниёт қилиб қўйган ишларимиздан гап-лашамиз. Шулардан бири кино, театр, мусиқа соҳасининг кўзга кўринган вақиллари билан рассомлар, хусусан, ёшларнинг учрашувларини ташкил қилиб бориш масаласи. Шу кунларда таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқов билан ижодий учрашув ўтказишни режалаштиряпмиз. Зулфиқор ака бетакрор

режиссёр, ўз дунёқараши, фикри, мақсадига эга санъаткор. Кейинчалик кучли опера хонандаси Муяссар Раззоқовани тақлиф этиш ниятидамыз. Шу таразда санъатимиз ва адабиётимизнинг намояндалари билан рассомлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаб бориш, тажриба алмашишни мақсад қилганмиз.

Яна Миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларининг стажировкаларини ташкил этамиз. Бугун янги нафас билан кириб келувчи ёшлар кўпайиши керак. Институтга кирувчилар учун мутахассислик бўйича, албатта, имтиҳон бўлиши шарт. Абитуриентларнинг чизган ишлари баҳолашгани, кейин имтиҳонга қўйилиши энг тўғри йўл, деб ўйлайман. Ижодий институтларга кирувчилар иншо ёзиши ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Тарихдан ҳам имтиҳон зарур. Лекин бу институтларга нима учун математикадан имтиҳон топшириш кераклигига умуман тушунмайман. Хуллас, ижодий институтларга қабул масаласи жиддий ўйлаб кўришга арзийди. Оқимизда турган ишлардан бири рассомлар бозорини ташкил қилиш, яъни бизда аукцион йўқ. Шу сабаб санъат асарларини мулкый ашё сифатида баҳолаш ташкилоти, баҳоловчи, баҳолаш методикаси, унинг стандартларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, олий таълимдан сўнг таълимнинг бошқа шакли — икки йиллик чет элда малака ошириш масаласини ҳам ўйлаб кўрадиган вақт келди. Пойтахтимизнинг Лутфий кўчасида катта ангар биномиз зарур. Мана шу жойда галерея очсак, яхши бўларди...

Ўзимга келсак, ҳеч қачон ижоддан тўхтаганим йўқ! Илҳом келганини билмай қолам. Чунки кўлимга мўйқалам тутсам, дарҳол ўзимга кели, руҳиятим жойига тушади. Уйда ҳам, Бадий академияда ҳам устахонам бор. Бундан ташқари рассомлар учун ажратилган устахонада ҳам ижод қиламан. Асосан эрталаб соат 6 дан 9 гача, кечку-

рун соат 1-2 гача ишлайман. Буюк Алишер Навоий ижодига яна ва яна мурожаат қилиш ниятидаман. Ҳозир "Лисон у-тайр" достони устида ишимни давом эттиряпман.



Оллоҳ ичимизда, қалбимизда, деган фикр билан ишқ-муҳаббат мавзусини янада мукаммал ишлаш орзусида ижод қиляпман. Лекин, очиги, ижод учун эркинлик, вақт, кайфият ва руҳият керак. Ана шу тўрт тушунча жам бўлгандагина ижод оғушига фарқ бўлганини сезмай қоласан. Китоб ўқишни севаман. Айниқса, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон ижоди менга илҳом бағишлайди. Шавкат Раҳмон оддий шоир эмас, рассом шоир бўлган. Унинг:

Сен бахтлисан, мовий ҳавага
Сачратиб юр қулгунинг рангин.
Сен қулмасанг, энди дунёда
Кимдир... кимдир яшайди ғамгин...

деган мисраларини такрорлашни хуш кўраман. Умуман, дунёдан иллат эмас, ҳикмат излаб яшаган маъқул!

Гулчехра УМАРОВА суҳбатлашди.

Суратларда: Миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларининг Бадий академия биноси олдига қўйилган ҳайкалларидан намуналар акс этган.

Исмоил Маҳмуд МАРФИЛОНИЙ



Аҳли маънилар ҳаёт тарзини пурмаъно қилур, Сақлабон ҳар хил гунаҳ ишдан ўзин, тақво қилур.

Комил инсон беадаблик қилмағай ҳар ерда ҳеч, Яхшиларга интилиб ул ўз ишин аъло қилур.

Даҳр аро тоғгайдир ибрат ҳам ибодат, дил бериб, Дил кўзи бирла ўзин ислоҳ этиб, зебо қилур.

Даҳри раҳмат манзаридир, Ҳақ таоло неъмат, Баъзилар Ҳақ неъматин кўрмай ўзин аъмо қилур.

“Даҳр бемаъни элидан қочкамен”, – дер Ҳазратим, Даҳр бемаъни эли, бил, Ҳақ ишин бежо қилур.

Дун табиатлар фиоли айлағай дунёни дун, Яхшилар Ҳақ йўлда кўнглин булбулигўё қилур.

Аҳли маъни ичра тоғил қадр ҳар дам Маҳмудо, Чунки Ҳақ ишларни доим оқилу доно қилур.

Бебақодир умримиз, ҳар дам ғанимат, дўстлар, Бу ғанимат дам аро ҳамдам ғанимат, дўстлар.

Кеча кимлар бирла кўнглин ҳамнафас, ҳамдард эди, Ўтди бир-бир қолмайин, биз ҳам ғанимат, дўстлар.

Қолмағай ҳеч ким бу олам ичра бир устун бўлиб, Ҳар қадам, ҳар лаҳзада одам ғанимат, дўстлар.

Ҳақ таоло зоти инсонни мукаррам айлади, Шукрида Ҳақ сори чин мақдам ғанимат, дўстлар.

Ишқида завқ айламак матлуб эрур ҳар дилга чин, Англагучи дарди дил маҳрам ғанимат, дўстлар.

Икки олам неъматин ул Ёр ила, дийдор ила, Ҳажр ароким дийдаи пурнам ғанимат, дўстлар.

Ёри Ҳақ бирла мунаввар айлагил, Маҳмуд, дилинг, Дилни бўстон этгучи олам ғанимат, дўстлар.

ЯХШИ СЎЗ, ЯХШИ АМАЛ

Баркамол айлар одамни яхши сўз, яхши амал, Кетказар дилдан аламни яхши сўз, яхши амал.

Ҳақ муқаддас айлади лавҳида ўз ҳукми била, Оширур ҳар дам карамни яхши сўз, яхши амал.

Илму маърифат сафоси яхшилар бирла келур, Кетказар дилдан надамни яхши сўз, яхши амал.

Нафсу шайтон макридан, кўр, нечалар зулм ичрадир, Тулдирур эл ичра камни яхши сўз яхши амал.

Маъсиятдан йўқ бўлур ҳар қанча бойлик, изни-ла, Бор қилур, билгил, адамни яхши сўз, яхши амал.

Тарбиятдан соз бўлур ноқис дили ҳар кимсанинг, Ўнглағай нобоп қадамни яхши сўз, яхши амал.

Маҳмудо, топ ҳусни хулқинг ичра сен Ҳақ ажрини, Айлағай рози Эгамни яхши сўз, яхши амал.

Эй кўнгул, ҳар бир нафас, билгил, назорат ичрасен, Ҳақ нигоҳи ичра ҳар дам сен далолат ичрасен.

Барча журму ҳам савобинг ажримин қилгай ўзи, Кечса не холи ҳаётингда шаҳодат ичрасен.

Топди Ҳаққа дил бериб боққил Худонинг дўстлари, Танласанг шу йўлни, бил, ҳар дам ҳидоят ичрасен.

Йул тополмай баъзилар учди шайотин макрига, Сен, агар тутсанг ани, билгил, хижолат ичрасен.

Ёр ишқи бирла, бил, очгай жамолин ҳар кўнгул, Ҳажрини чексанг зиёда, бил, саодат ичрасен.

Ўтгучи дунёда топсанг эзгу ишлардан савоб, Икки дунё ичра, билгил, чин шафотат ичрасен.

Маҳмудо, ўзни унутгил, шарридан қочгил мудом, Ёр агар Ул кун назар этса, муҳаббат ичрасен.

Келиб ҳажрингда ғам чеккан бу ҳоли заъфароним кўр, Фироқинг ичра оҳ урган яна дарду фиғоним кўр.

Туну кун айрилиқ заҳри аро ҳеч ўзни билмасман, Қадам ранжида айлаб бир бу занги устухоним кўр.

Тиқиб кўз ҳар тараф бехол кўйингда мужда изларман, Йироқдан бўлса ҳам, ёрим, ки сенсиз бу жаҳоним кўр.

Қадинг мақсудига ҳеч йўл тополмай бу дилим вайрон, Ки бойкуш қилмағай парво, харобот бу маконим кўр.

Харобот аҳлининг дардин билолмас беҳабарлар ҳеч, Хабар тоғил бу ҳолимдан, сенга дилда сўзоним кўр.

Агар меҳринг дариг тутсанг, туну куним зимистондир, Зимистонлик аро жўшган вужудим ичра қоним кўр.

Ки Маҳмуд этмагинг аҳдида қасди жон шир этдинг, Ташошо айламаклик-чун кел энди сен нишоним кўр.

Ҳажри дардинг ичра кўнглим истагай имдод, ёр, Интилиб васлинг ҳар дамким боқурман зору зор.

Кўрмағай умрим чироғи сендан ўзга сувратин, Қанча тотмайким фироғинг кетмағай дилдан қарор.

Садқа жоним, оҳ, жафойинг бирла ҳар он чирмашур, Лек бу ғамлар заҳми ҳаргиз қилмағай аҳдимга кор.

Доғи дардинг бирла умрим ўтқарурман туну кун, Деб насиб этгайми қулга оқибат васлинг ниғор.

Шамъи ҳижронингда кўнгул ўртанур ёр истабон, Мисли Мажнун дашт ароким сенга танҳо интизор.

Ўйлама мингдан бири деб қулга айлаб иштибоҳ, Асли бу ишқинг ўзинг жо айладинг қалбимга, ёр.

Интизорлик бирла Маҳмуд истагай сендан нажот, Пардасиз хуснингни кўрсам бир дея лайлу наҳор.

Эй ўғил-қиз, ота-онангни ўзингдан рози қил, Элу юртни, аввало ичган тузингдан рози қил.

Розилик, шукроналик қалбимга нур бахш айлағай, Нурга тўлган кечаю ул кундузингдан рози қил.

Яхшилар боғ айлағайдир, лек ёмон вайрон этур, Шод этиб ҳар дилни сен нурли кўзингдан рози қил.

Олам ичра нур сочар, боққил, буюк ажодларинг, Ул буюк зотларга пайванд илдингдан рози қил.

Одабийлик, камтаринлик, бил, ҳаёт мезонидир, Пок бўл, тўғри юриб кийган бўзингдан рози қил.

Кибру манманлик, жаҳолат нафсу шайтон макридир, Қоч уллардан, Ҳақни сев, аҳду сўзингдан рози қил.

Яхши ишлар бирла Маҳмуд айлагил ҳар дам дилинг, Ҳар қадам, ҳар бир нафас босган изингдан рози қил.

Сотим АВАЗ

ТИҲЛАРИ ИҲЛИМ ЁРИТИ



ҲАЗАЛЛАР

Кўнгли – осмон, очилгайдир ёруғ тушса, Кўнгли ердир, унур яхши уруғ тушса,

Кўнгли – оташ, ўйнашгучи, залил бўлғай, Ёқур ногоҳ устига ҳўл, қуруғ тушса.

Кўнгли – кўзгу, нечун мусавфо бўла олғай, Юзига гар гумондин қатра буғ тушса.

Кўнгли – жондир кеча – кундуз оғригучи, Аламлардан ичига бир буруғ тушса.

Кўнгли – байроқ, кўкка қадр кўтарилғай, Ошиқ ўлғай ким учун ушбу туғ тушса.

Кўнгли гулдир, очилмасдан сўлур бирдан, Агар қадди бўйига чирмовуғ тушса.

Сотим Аваз, кўнглига минг тўзим тила, Агарда у пешонанга улуг тушса.

Меҳрибоним қолмади жондин бўлак, Дўсти содиқ йўқ эрур ондин бўлак.

Нодиру якто билардим ёрни мен, Ҳеч ким эрмас экан армондин бўлак.

Кўзларинг сокинлиги қувонч эмас, Бир ғарибу қулга хандондин бўлак.

Дунёда топдим деганда тенгими, Чикди у томримдаги қондин бўлак.

Айласанг ҳам чорасиз кўплар аро, Айлама ҳеч дину иймондин бўлак.

Жон талабгор кўп эрур олам аро, Жонфидо йўқ, аммо инсондин бўлак.

Сотим Аваз, доимо ҳақдин сўра, Айлагил, деб, аҳли нодондин бўлак.

Бевафога кўнгли бериб хато этдим, Ўз жонимни ўзим ўтга раво этдим.

Муҳаббатнинг муродини ногоҳ билиб, Кўнглим учун оқибатни жазо этдим.

Яхшиликка қайтмаса ҳам яхши амал, Умидимда яхшиликни бино этдим.

Хушрўйларга боққанимда кўп англадим, Икки кўзни бошимга бир бало этдим.

Иссиқ юздин юзларимга ўт орттириб, Хотиримни ўз ўтидин жудо этдим.

Сотим Аваз, жону дилни ёлғиз кўриб, Таваккал деб мангуликка ато этдим.

Гулбахорим бўл мудом ёнимдаги, Неки ёним, жисм ила жонимдаги.

Тунлари ой сингари йўлим ёрит, Офтоб бўл, кундуз ҳар онимдаги.

Юзларингдин ранг олиб, қоним қизил, Шу сабаб ишқинг мудом қонимдаги.

Келганинда қулбама ҳолим сўраб, Тилло бўлғай ашё ошёнимдаги.

Доимо кўкка боқиб дуодаман, Мужда элтар қушлар осмонимдаги.

Жону дил меҳри вафо қоним эрур, Сенга туҳфа бор – будим қонимдаги.

Сотим Аваз, соғиниб битган ғазал, Кўнглим акси орзу-армонимдаги.

ҒУЛОМ МИРЗО

ИҲЛАРИ ИҲЛИМ ИҲЛОБЛАР



«Зомин дафтари»дан

Тупроқ онамга ўхшар: юмшоққина ва тафтли. Тупроқ онамга ўхшар: камсуқуму меҳрибон.

Тупроқ онамга ўхшар: силаганича кафтим – менга қалб ато этар, менга бағишлагай жон.

Алвондек гуллаган атиргул, девордан ийманиб бўйлайди. Шунчалик ҳам бўладими гўл – дунёни ошно деб ўйлайди.

Дунё эса азал-азал дун, баҳору ёз ўқийди афсун. Гул бўй сочар, дил очар. Афсус – кўз очганда, келган бўлар куз...

Абрлар бунчалик бесабр, бир-бирини тинимсиз қувгай. Этиб олса, кўк титрағай зир ва юракни солар кўрқувга.

Кейин чопиб келгай томчилар – аҳил, шошқин, шижоатга бой; япроқларни тинмай қамчилар, сўнг тизгиндан чиқар жўшқин сой.

Йўллари қоплайди хубоблар, гулларни ҳўплайди гулоблар. Кўкдан тушган фаришта – олам, ёмғирдан кийгайдир қаболар...

Тўйнинг овозаси келар олисдан, яқин сўриларда шўх-хандон гурун. Одамлар бахтиёр!

Шундай шод ҳисдан дилни тарк этади бор ғубору мунг...

Нўқта-тире-нўқта. Морзе имлоси. Шу тилда сўзлашар ёмғир билан том; балки етказмоқда кўклардан салом ҳамда баракали бўлишин ҳосил.

Нўқта-тире-нўқта. Менинг томимга келар алоҳида хабар оқими. Тинглайман: садоси бирам ёқимли, куй каби порийди тану жонимга.

Билдим. Бу – эркамдан Ой орқали хат; соғинч номасини битибди пухта. Мен ҳам изҳор этгум унга муҳаббат ёмғир имлосида: нўқта-тире-нўқта...

Алвондек гуллаган атиргул, девордан ийманиб бўйлайди. Шунчалик ҳам бўладими гўл – дунёни ошно деб ўйлайди.

Дунё эса азал-азал дун, баҳору ёз ўқийди афсун. Гул бўй сочар, дил очар. Афсус – кўз очганда, келган бўлар куз...

Дунё эса азал-азал дун, баҳору ёз ўқийди афсун. Гул бўй сочар, дил очар. Афсус – кўз очганда, келган бўлар куз...

Тоғ сойи шошқин экан, суви сершовқин экан. Шошганда – тошқин экан, тошганда – шовқин экан.

Шошмаса, тошмас эди – шошқалоқ, жўшқин экан. Ҳаддидан ошмас эди – сой қурур шошқин экан.

Қуш сайрайди ҳар маҳал: булут сузгани, ёмғир ёғгани, майса кўкаргани, дарахт юксалгани каби табиий ва гўзал...

Сойдан салқинлик эсди теракнинг баргигача. Сойдан салқинлик эсди юракнинг дардигача.

Сойдан салқинлик эсди, хотиржам солларан боғ. Сойдан салқинлик эсди – мен ўзни тутай қандоғ?..

Ёмғирлар ёғар энди, захланар олам энди. Ёмғирлар – тоғам энди, ёмғирлар – холам энди; гурунглашаман тўйиб...

Ёмғирлар ёғар энди, завқланар олам энди. Ёмғирлар – оғам энди, ёмғирлар – болам энди; эрқалатаман суйиб...

Ёмғирлар ёғар сим-сим, кўлга айланар дунё. Шу кўлга фарқ этсайдим, юракда неки дард бор;

кўнглим боради ийиб...

Ёмғир ёғганида дам олар офтоб, олтин кокилларин тараб панада.

Ёмғир тўхтар. Булутлар очилар шитоб.

Кўк саҳнига чиқар кун тароватли, ёрқин янада.

Тошлар тоғларга чиқмас. Чунки тошга қизиқмас тоғнинг юксак викори.

Тоғлар тошлардан тушмас. Негаки, унутимас: тош – тоғнинг пойдевори!

Эй...

Эй, қадди хиромоним! Эй, лаби болдек чучук! Эй, кечаги армоним, бугун мақоминг нечук?

Эй, юзлари – офтобим! Эй, сочлари – зимистон! Эй, мен севган китобим, Сени ўқийман қачон?

Эй, кўзлари – нурчашма! Эй, қошлари – камалак! Сенинг ҳар бир карашманг – менга жаннатдан дарак!

Эй, сўзлари – новвотим! Эй, киприқлари ханжар! – Аввал сақлаб ҳаётим, сўнг кўксимга тиг санчар?!

Эй, гулим, чаманзорим! Эй, Кун, Ой ва Юлдузим! Тингламас бўлсанг зорим, олдинга боргум ўзим.

Эй, қадди хиромоним...

Айни ёз чилласи. Ер ҳарсиллаб нафас олади. Тандирдай қизиган тупроқдан ҳовур кўтарилади. Бундай пайтада ҳатто қумолилар ҳам инидан чиқмайди, тирик жон борки, ўзини панага урган.

Момиқ ўрик дарахти тагида салқинлаб ётар, гоҳ кўзларини хил оқиб, иссиқдан зорлангандай ён-атрофга қараб қўяди. Гоҳ ғужанак бўлиб пинакка кетади. Тушида ҳовлида ўйнаб юрган қувноқ болалар, энгашиб қосчасига овқат солаётган бека кўринади; унинг оппоқ билақлари, оёқларига суйкалиб эракланади.

...Дарвозанинг ғийқиллаган товуши эшитилди. Мушук сергакланди. Эшик очилиб, хўжайиннинг қораси кўринди. Момиқ сакраб ўрнидан туриб, эгаси томонга юрди. Хўжайин уни бағрига босганча силаб, эркалади.

– Ҳалиям шу ердამисан? Одамдан ҳам яхшисан-а? У ҳалигина Момиқ ётган жойга келиб ўрнашди.

– Болаларни соғиндингми? Мен ҳам. Кунни минг азобда ўтказаман. Ақлдан озай дейман. Биласанми, мана шу ерим оғрийди, шунақа оғрийдики...

Хўжайин кўксини ушлаб бироз жим қолди. – Хотиним чиройли эди. Эсингдами, юзи оппоқ, сочлари қол-қора...

Момиқнинг бошини силаб, тинмай гапирар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. – Уни кечир, дейсанми? Ич-ичимда аллақачон кечиргандекман. Рост. Кечиргандекман, фақат...

Хўжайин бошини орқага ташлаб иягини кўтарди. Юзини кўёшга тутди. Сўнг, илкис бошини эгди. – Ҳа деб кўнглингда келганини қилавериш ҳам тўғри келмайди. Нега у бундай қилди? Қаерда хато қилдим? Кўнглини ҳеч тушуниб бўлмас экан-да. Мана сен мени тушунаясан-ку. Тўғрими, тушунаясан. Буни кўзларинг айтиб турибди. Мен уни тушунмаганман, у эса мени.

Овози ийги аралаш бўғилиб чиқди. Момиқ эгасининг кўкрагига бош уриб сийлаланди. Зангори кўзлари ялингансимон жовдирарди. Хўжайин бор дардини Момиққа тўқди.

– Сен ҳам оиламизнинг бир аъзоси эдинг. Сен ҳам уни яхши кўрадинг? Тўғрими? Сен уни кечирасанми? Кечирармидинг?!

Хўжайин Момиқнинг юзини ўзига қаратди, гўё у ҳозир тилга қирадигандек, биргина сўз айтиб мушқулини осон қилдигандек эди.

– Кечирардинг, биламан. Фақат тилинг йўқ-да, айтолмайсан. Одамлар эса... Одамлар кечирмайди. Ҳамма гуноҳни ҳам кечириб бўлмайди-да, Момиқжон!

Муҳаббат САФОЕВА



Хўжайин аламдан юзини бурди. Елкалари силкин-нар, унсиз йиғларди.

Ниҳоят ўрнидан туриб, боққа разм солди. Бир пайтлар мевасини кўтаролмай шохлари осилиб ётадиган шафтолилар қуриб қолган. Жон сақлаган биттагина ўрик дарахти девор ёқалаб чўзилган узуллар қаровсизликдан ёввойлашиб, бир-бирига чалкашиб, чувалашиб ётарди. Беш йилдан бери

АЙРИЛИК

одам исига зор уй мунгайган, нураётган деворлар ночор кимсадек қаққайиб туради.

– Сен ҳам кетишинг керак. Илтимос, қайсарлик қилма. Бу ерда ёлғиз қолганингни ўйлаб сиқилман. Ўзинга янги хўжайин топ. Унинг кўп болалари бўлсин. Худди менинг қизларимдек ёқимтой, меҳрибон бўлсин.

Хўжайин Момиқни кўтариб ичкарига ўтди. Хувиллаб ётган хоналарга бош суқишга журъати етмай, тўғри дарвозага юрди. Қўёш нуридан ранги ўчган темир дарвоза ўз оғирлигини базўр кўтариб тургандай зорланди. Хўжайин эшик зулфига қаттакон қулф осди. Мушукни йўлнинг ўртасига қўйди.

– Бор, истаган жойингга кет, сен озодсан. Озодлик яхши, у ҳаммага ёқади. Кўзларингни мўлтиратиб бундай қарама. Неча марта ўзим билан олиб кетдим. Ҳар сафар қайтиб келдинг. Нима қил дейсан ахир?! Сендан бошқа ғамим йўқми? Менга ҳам қийин. Тушунсанг-чи?!

Алам билан қўл силтади. Кетди. Момиқ бир опислаб бораётган эгасига, бир қулф осилган эшикка қаради. Жойидан жилмади. Кейин эгасининг орқасидан бир-икки қадам ташлади. Сўнг яна қайтди... Дарвозанинг у бошидан бу бошига юрар, дераза тоқчасига сакраб чиқар, тирноқлари билан ойна ромларини тимдалаб, тинмай миёвларди...

БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИНИНГ СЕҲРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ушбу маданий-маърифий ашёларнинг ҳар бири Зокиржон Машрабов бошлиқ Бобур халқаро экспедициясининг сафарлари мобайнида Осиё минтақасининг йирик маданий марказларидан, Европа мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари музейлари, архив, кутубхона ва шахсий коллекциялардан келтирилган.

Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов Зокиржон Машрабовнинг хизматларига шундай баҳо берган:

— Мен Зокиржон Машрабовни ҳар мавсумда қишлоқларга саёҳат қиладиган қалдирғочга ўхшатаман. У ҳар гал уясидан учиб кетиб, ватанига чет эллардан океанлар, чўллар ва улкан шаҳарлар усти-

дан уча-уча қайтар экан, тумшугида бир гавҳарни олиб келади. Бу гавҳар ҳазрати Бобур мирзо ҳақларидаги ноёб асар бўлади. У асарни чет эллик олим ўзбекининг улғу фарзандини алқаб ёзган бўлади.

Бу гаплар бежиз эмас. Аннета Сюзанна Беверж хонимнинг “Бобурнома” асари таржимаси бошига: “Китобни Бобурнинг шуҳратига бағишлайман” деган эпиграф қўйилиши халқ шоири фикрининг яққол далилидир.

Яна бир муҳим жиҳати — китобларни илмий истеъмолга киритиш учун таржимон ва олимларга буюртмалар бериб, уларга ҳар томонлама ҳомилик қилиш алоҳида ўрин тутди. Ана шундай маърифий фаолият туфайли фонд ташкил топгандан буён унинг ташаббуси, буюртмаси билан 60 дан ортиқ бадий ва илмий асарлар форс, уй-

гур, англиз, немис, урду тилларидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Чунончи: Гиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”; Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий”; Харольд Ламбонинг “Бобур — йўлбарс”; Фритс Вюртленинг “Анджон шаҳзодаси”; Уильям Рашбруннинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори”; Румер Годеннинг “Гулбадан” асарлари шулар жумласидандир.

Зокиржон Машрабов Ўзбекистонда тарихий, машҳур шахс ҳақида илк мартаба яратилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” энциклопедиясининг бош лойиҳачиси, ташаббускори, қомус ижодкорлари жамоаси тузувчиси, моддий ва маънавий таъминотчиси. Бу қомус 2014 ва 2017 йилларда икки мартаба нашр этилди.

Булардан ташқари, экспедиция сафарларининг ҳар бири ҳақида биттадан китоб ёзиш мумкин. Сафар чоғларидаги машаққатлар, масалан, 1993 йили Аврангобод — Жайпур йўлидаги ваҳимали тун, Лоҳур шаҳридаги меҳмонхонада ҳайдовчи билан боғлиқ хавотир ва хижолатчиликлар, автомашинанинг гоҳ сувга, гоҳ қумликка тикилиб қолиши, Афғонистондаги нотинчликлар, Ироқ (Боғдод)да ҳукм сураётган жанглик шароитлардаги, 1996 йили Абу Райҳон Берунийнинг Фазни шаҳри четидagi ҳароб қабридан тупроқ олиб келишдаги, 2015 йили Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбарасига сағана тошини етказишдаги таҳликали вазиятлар, 2016 йилги Афғонистон сафарига Навоий мақбараси атрофида 2 минг тупдан ортиқ манзарали дарахлар ва анвоий гул кўчатлари ўткази-

лишининг ҳашар-сайлга айланиб кетганини эслаш ўринлидир.

Қ.Кенжанин мазкур китобда ана шундай воқеа, маълумотлар ва биз бу ерда қамраб ололмаган кўплаб хайрли ишлар акс этган.

Қамчибек Кенжанин олти китобдан иборат сафарнома-романлари (“Ҳинд сорига”, “Буюклар изидан”, “Анджондан Даққага”, “Анджондан Бағдодга”, “Бобурийлардан бири”), “Соҳибқирон ўтган йўллардан”) яратилишида ҳам Зокиржон Машрабовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зокиржон Машрабов ва фонд раёсатининг ҳамкорликдаги меҳнатлари туфайли Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан йигирма бешта ҳужжатли ва видеофильмлар яратилди. Уларда асосан халқаро Бобур илмий экспедицияси сафарларидаги воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинган. Улар марказий ва вилоят телеканалларидан мунтазам эфирга узатилмоқда.

Қамчибек Кенжа таниқли адиб ва шоир. Унинг адабий шуҳрати Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи ва Бобур номли халқаро экспедиция фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. У ушбу экспедициянинг кўпчилик сафарларида Зокиржон Машрабов билан сафар азобу ҳузурларини тенг кечириб, баробар лаззатланган кучли қалам соҳибидир.

Асл соҳаси геологик ва узоқ йиллар турли юқори мансабларда юрган одамнинг бирдан бобуршуносга айланиб қолишини кўпчилик тасаввурига сиғдирилмайди. Муаллиф китобхонларнинг

шу борадаги иштибоҳи ва саволига жавоб топиб, Зокиржон Машрабовнинг болаликдан адабиётга, санъатга, мусиқага ҳаваси кучли бўлганини кўрсатиб беради. Асар бош қаҳрамони ўзини ғоявий-сиёсий айбловлар хатарига қўйиб Бобур хайкалини Россиянинг Мишичи шаҳрида қандай тайёрлатиб келгани, айнан Бобурнинг боши узра қора булутлар сузиб, унга ҳар хил хатолар тақалаётган паллаларда Анджон шаҳар ижроия комитети раиси бўлган одамнинг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида, очик майдонда, кенг жамоатчилик иштирокида Заҳириддин Бобур таваллуд қилинади бағишланган катта адабий-бадий анжуман ўтказишга ташкилотчилик қилишию ва унга шахсан ўзининг бош-қош бўлиши оқибатида лавозимидан бўшатилиши сингари жиддий воқеалар тасвирланган саҳифалар ўқувчини ҳушёр тортиради ва Зокиржон Машрабовга нисбатан ихлос ва ҳурматини оширади. Чегара-божхоналардан ўтишдаги расмийчиликлар билан боғлиқ қийинчилик, ғов-тўсиқларнинг З.Машрабов томонидан журъат ва қатъият ила бартараф этилиши ва бошқа жараёнларда кўрсатилган жасоратларини адиб эҳтирос билан тасвирлар экан, экспедиция аъзолари кўзланган мақсадга эришган пайтларида, академик Азиз Қанонов ёзганидек, китобхонлар ҳам улар билан баробар ҳаяжонга тушади.

Умуман олганда, “Бобурийлардан бири” асарини Зокиржон Машрабов сиймосига муваффақиятли чизгилар деб баҳолаш мумкин.

Қ.Кенжа, шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида янги истилоҳ юзага келишига сабабчи бўлди: унинг қаламида

битилган сафар таассуротлари — “Ҳинд сорига”, “Буюклар изидан”, “Анджондан Бағдодга”, “Анджондан Даққага” китобларини ўқиган академик Азиз Қанонов “Қамчибек Кенжа ўзбек адабиётини янги бир ижодий соҳа — бадий-эстетика жанри яратди!” деб эълон қилган эди. Дарҳақиқат, Қ.Кенжанин сафарнома-романлари ўзи алоҳида хусусиятларга эга асарлар сифатида ўзбек китобхонларига манзур бўлди.

Ўзвучининг прозасида бир неча ил йўналиш кузатилади. Жумладан, сафарномаларда мемуар, саёҳат ва илмий омухталлик; Зокиржон Машрабов ҳақидаги бағишланган катта адабий-бадий анжуман ўтказишга ташкилотчилик қилишию ва унга шахсан ўзининг бош-қош бўлиши оқибатида лавозимидан бўшатилиши сингари жиддий воқеалар тасвирланган саҳифалар ўқувчини ҳушёр тортиради ва Зокиржон Машрабовга нисбатан ихлос ва ҳурматини оширади. Чегара-божхоналардан ўтишдаги расмийчиликлар билан боғлиқ қийинчилик, ғов-тўсиқларнинг З.Машрабов томонидан журъат ва қатъият ила бартараф этилиши ва бошқа жараёнларда кўрсатилган жасоратларини адиб эҳтирос билан тасвирлар экан, экспедиция аъзолари кўзланган мақсадга эришган пайтларида, академик Азиз Қанонов ёзганидек, китобхонлар ҳам улар билан баробар ҳаяжонга тушади.

Умуман олганда, “Бобурийлардан бири” асарини Зокиржон Машрабов сиймосига муваффақиятли чизгилар деб баҳолаш мумкин.

Қ.Кенжа, шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида янги истилоҳ юзага келишига сабабчи бўлди: унинг қаламида

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими



Суратда: Бобур халқаро экспедицияси қатнашчилари ҳамда хорижлик олимлар халқаро анжуманда.

Мансуржон, мен ижодингизни мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қиламан. “Ҳайрат қўшиқлари” китобингизни ҳам ички бир ҳадик билан ўқиб бошладим: ижодингизда мен кутгандек ўсиш бормикан, деган маънода. Шукр, бор экан!

Тўпламдаги очкич шеърингизнинг биринчи банди куйидагича экан:

Олдинда бир йўл бор кўп йироқ,
тарҳини топмадим, ким бичган:
қилчим дамдан ўткироқ,
сочларинг торидан ингичка.

Мен буни ўзимча ёш шоирнинг ҳаёт йўлини қилч дамидек кескир, қилдек ингичка бўлишига қиёслагани, ўзини мурраккаб ҳаётга тайёрлагани деб тушундим. Балки, тенгқурларингизга ҳам шу фикрни сингдирмоқчи бўлгандирсиз.

Шеърларингизда халқона ўйноқи оҳанг бор. Янги ташбеҳлар топгансиз. Халқ қўшиқларининг ўқилиши осон бўлса-да, мазмунни теран бўлади. Сиз ҳам шу йўналишда чиройли изҳорлар битгансиз. Айниқса, “Тасаддук” номли шеърингиздаги қутилмаган ечим дуруст. “Бобурнома” таъсирида ёзилган бу шеър юртсеварлик мавзусидаги энг яхши шеърлардан бўлибди:

қанча дардинг бўлса,
кўтардим, Ватан,
қанча дардинг бўлса,
кўтардим, Халқим!

Умуман, “Тасаддук”, “Сужуд” ва яна шу руҳдаги шеърларингизда Ватанга бўлган самимий севгини баландпарвоз гапларсиз ифодалангани дилга хуш келади.

“Менинг хатоларим” бир инсоннинг тақдирини бутун инсониятнинг тақдиридир, деган нақлни эсга солади. Сиз инсоният бошидан кечирган хатоларни ўз камчилигингиздек қайғуриб ёзасиз. Бу билан ўзингизни инсониятнинг бир вакили сифатида шу хатоларга жавобгар сезасиз. Қанинди, ҳар биримиз шундай туйсак.

Тасаввуфий руҳдаги “Севгимизни севгимиз айтмасак ҳам эшитадир!” каби мисралар ошиқ ҳолидан дарак. “Ишқул-

лоҳ”да ишққа янги ёндашишга ҳаракат қилибсиз. Табриклайман. Бирок шу шеърдаги “қавми туббо”, “хулафои мусулмон”, “сафир” каби сўзларга қисқа-қисқа изоҳлар берилганда, нур устига нур бўларди, назаримда.

“Ҳаёт қўшиғи”да йил фасллари бошқаларга ўхшамаган тарзда ифодаляйсиз. Муҳими, табиятдаги ўзгаришлар шунчаки тасвирланмаган, аксинча, “...яланг гулларни кийинтирар март, менинг эриб кетган

«ҲАЙРАТ ҚЎШИҚЛАРИ»НИ ЎҚИБ

Шоир Мансур Жумаевга очик хат

ҳаётим билан” каби ичкин туйғулар орқали ифодаланган. Шеърларингизда ишора кучли. “Эртак” шеърингиз бунга яхши мисол.

“Одамзор, кўнгилхона” каби ҳали кўпчилиكنинг қулгои ўрганмаган сўзларни қўлайсиз, шу сифатингизни йўқотманг.

Ошиқ севглисига тегишли ҳар бир нарсага бошқача кўз билан қараши табиий ҳол. Мажнун Лайлининг итини-да суйганини эсланг. Шунинг учун севглиси яшайдиган кўчани севиб қолган ошиқ ҳоли ажабланарли эмас (“Кўча ҳақида эртак”).

Шеърни шеър қиладиган бадий санъатлар эканини яхши биласиз. Гузал ташбеҳлар кимни завқлантмайди дейсиз! Шу нуқтаи назардан “Шамол бўлиб қўларим сочларингни ўйнасин”, “Кўзингдан ўмаргандим”, “Осмон ҳавзасида порлаган қизлар”, “Қамчин изларидай қийиб кетган йўл” сингари кўплаб сатрлар шоирона топилмалар дейиш мумкин.

Шеърларингизнинг яна бир жиҳати шуки, уларда бевақт йўқотилган болалик ва унинг сабаблари жуда таъсирли берилган. Шунинг учун “Шам ёқажак

гугуртни, хайҳот, // ёмонларнинг қўлига берма!” деб илтижо қиласиз. Шунинг ўзи қалб исёнидир. “Мен Қаршига борганда” шеърда қишлоғини, туғилган ерини соғиниб келган инсоннинг ҳолати таъсирли берилган:

Мен Қаршига борганда
пойимга ой йиқулур,
сахролар кўкка салчиб,
осмонлар қўйиб келур.
“Тул ҳижрон”, “ялтираган ёш”, “оқибат

чорловдек туюлди. Шундагина “Бир инжа сатр топдим!” дея олади. Шакл моҳиятнинг маъносини ўзгача кучайтиришига хизмат қилади.

Сиз талмеҳ санъатини жуда яхши биласиз. Тарихий шахслар номини тутишингиз билан фикрларингиз тасдиғини кучайтирасиз. Бу яхши. Умуман, шеърда талмеҳдан фойдаланиш маъқул. Жалолиддин Румий, Мансур Ҳаллож сингари шахсларни билмайдиган ёшларимиз ҳам



суви” каби ўхшатишлар шеърга безак бўлган. “Отанинг терларидан // Худонинг бўйи келур...” мисраси одамни ўйлатиб қўяди...

Айрим шеърларингиздан илоҳий ишқ бўйи уфуриб тургандек. “Тонларга нурланиб чиқайин” дейишингиз ўзгалар дилига ҳам сурур бағишлашингиз истагидан бўлса керак. Шунингдек, “Масиҳ таваллуди”даги “Ичингда Исо бордир, // дард чекмасанг туғилмас”, “Йўловчи қўшиғи”даги “Гар жаннатий эмас бўлсам, // хузурингга бу нав бормам!” мисралари кишини ўйлатиши билан бирга инсондаги имкониятлар чексизлиги ва мана шу йўлда адашмасдан ҳаракат қилишга ундайди.

Баъзи шеърларингизда “пиндик”, “жанда” каби кам ишлатилмаган сўзларни қўллагансиз. Бу бир жиҳатдан яхши бўлса, бир жиҳатдан бирор сўзни тушунмаслик шеър тароватини тўла ҳис қилишга ҳалақит бериши мумкин.

“Топдим” шеърингиз шоир ҳаммаша изланишда, бошқалар кўролмаганини кўриб, тингломлаганини эшита оладиган бўлишига

бор. Бу билан сиз икки томонлама савобга қолаётирсиз.

Қор жилғага айланиб,
кетди ҳаёт сойига:
кетаверди лойланиб
танимаган жойига.

Бу мисралар менга дунёга келган гўдакнинг ҳаёт оқимиға қўшилиши, “лойланиб” кетавериши инсон тақдирдаги талот-умларга шикоятдек бўлиб туюлди.

Китобингизни ўқиётиб, шеърларингиз тартиби бўйича фикр билдириб кетавердим. Шоир шеърдаги фалон мавзу бундоқ ёритилган, пистон мавзу ундоқ ёритилган шаклида ёзолмадим. Мактуб бўлгандан сўнг самимий тарзда бир чеккадан фикримни айтгим келди.

Хулоса қилиб айтсам, адабиётимизга ўзига хос овозга эга шоир кириб келганидан хурсандман. Муҳташам ўзбек шеърини қасрида ўз ўрнингиз бўлишини, юрагингизга сиғмаган олов шеър бўлиб сочилишини истаб, “ҳаётни мударисим” деб, “шеър-озор тилаб” олган экансиз, шу йўлда собитлик тиламан.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик
университети профессори

Омон қолганлари бу қўрулқни табиий офатга йўйишди...

ЛИБОС

У ўзини иймонли-этиқодли қилиб кўрсатиш учун ўраниб-чирманиб олгани билан ичини курт босиб кетган ва бу қуртлар ўрмалаб тилидан чиқиб, амалида кўринади: ўзидан бошқани одам ўрнида кўрмайди, кези келса эрини ҳам чақага олмайд.

Либос — сувратни беркитиши мумкин, сийратни эмас...

БОШ КИЙИМ

Ундаги жозига, малоҳат ва гўзаллик эркакча бош кийими остига бекиниб олди.

ОШНА

У муаммосини ҳал қилиш учун бор-будини тўплаб ош-насиға берди. Уч кун ичида ошна ҳал қилди: фақат муаммони эмас, пулнинг ўзини...

Лола ҲОҚОВА

ДРАБЛЛАР

СЎҚИР

У бошлиғининг пинжига суқилиб кириб шерга айланди. Текканга тош отди, тегмаганга кесак. Мушугини “пишт” деганнинг кўзини ўйдирди, уйини куйдирди.

... Бошлиғи сўқир экан. Дунёга унинг нигоҳи билан қаради.

ПАРВОЗ

У осмонларда узоқ учди. Қанотларини кериб, виқор билан. Кўкнинг ҳавоси ҳаволантирди, паства қарамади ҳам.

Иттифоқ, қаноти қайрилиб кетди, лат еди, учишга ярамай қолиб, ерга тушди.

Бироқ юришга қийналди, увишиб қолган оёқларининг чигиллини ёзолмай, уйда биқиниб олди.

Қуш қанчалик баланд ва узоқ учмасин, қўнар манзили ер эканини унутган эди у.

ОПА-СИНГИЛЛАР

Опа-сингил турмушга чиқди: бири мол-дунёси беҳисоб эркатойга, иккинчиси сўмни сўмга улаб яшаётган бечораҳолга.

Опада дангиллама уй, қатор-қатор машина, калондимоғ қайнона, олимпта эр.

Сингилда пахса уй, нураётган девор, содда қайнона, меҳнатдан боши чиқмаган эр.

Унисининг қадами ўлчовли, сўровли, терговли. Ўз уйида бегона.

Бунисида борини баҳам кўришган, уйим-жойим деб туришган. Яримта нон — роҳатжон.

Қизиқ, кичик қиз опасига ҳавас қилади...

Опа эса синглисига...

ЧУМОЛИ

Чумолилар тўдаси устидан бир чепак сув қўйиб юборди бола. Чумолилар типирчилай-типирчилай ариққа фарқ бўлди.

ЎЗБЕК БЎЛИБ ЯШАШ ОСОН ЭМАС

Яқинда Зоҳиджон Оловнинг “Дўстни ҳам борида кадрла” номли шеърини тўплами ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Тўплам турли мавзулардаги шеърлар ва “Манфаат” достонини ўз ичига олган.

Дастлаб нега китоб бундай номланган деган савол туғилди. Дарров мундарижадан шу сарлавҳали шеърни топиб ўқидим. Шоир ҳаёт қувончларидан баҳра олиш баробарида дўстларни борлигида кадрлашга чақирар экан, шеър адоғида кескин ўзгариш юз беради.

...Дўсти бор ёвга хор бўлмайди,
Ким айтар: дўст мангу — ўлмайди,
Бир кетса, ўрни ҳеч тўлмайди,
Дўстни ҳам борида кадрланг.

“Шоир қалин дўстидан жудо бўлган, шекилли?”. Дастлабки шеърдан олдин “Ушбу китобимни болаликдан бирга ўсган кадрдон дўстим Саиджон Махсумовнинг ёрқин хотирасига бағишладим. Дўстимнинг охириги обод бўлин!” деган жумлага кўзим тушиб, тахминим тўғрилигига ишонч ҳосил қилдим.

Китобни диққат билан ўқидим, маъқул шеърларни қайта-қайта кўздан кечирдим. Мисол учун, “Ватан ҳақида” шоир шундай ёзади:

Эл шерик бўлмаса, бахт қандай татир,
Қандай роҳатланар танамда жоним?!
Мен қайдан юзага чиқарман, ахир,
Юзага чиқмаса Ўзбекистоним!

Зоҳиджоннинг самимияти баландпарвозликдан холи, қувончлиги, ҳаққонияти сохталикдан йироқлигини ҳис этдим. “Ватан учун”, “Дурдона юртим”, “Ватан ҳақида”, “Ватан байроғи” каби шеърларида шоир Ватанин борлиғича тараннум этади. Асар шеърларида, гарчи уларнинг мавзуси бошқа бўлса ҳам эл-юрт, Ватан туйғуси уфуриб туради. Айниқса, “Ўзбек”, “Ўзбек тилим”, “Навоий битта”, “Фаҳрия” каби шеърларида унинг ўз она тили, миллати шаъни ҳақида қайғураётгани яққол кўринади:

...У мен учун меҳроб каби пок-муқаддас,
Шаънига доғ туширмоқдан тилни тийинг.
Ўзбек бўлиб туғилиш-ку, мушкул эмас,
Бироқ ўзбек бўлиб яшаш жуда қийин!

Ўзбек миллати ҳақида сўз юритар экан, шоир “Манфаат” бадий-публицистик достонига ўзининг миллатчи эмас, балки миллатни севишини фарқлаб кўрсатади. Достон чуқур ижтимоий-сиёсий ҳамда маърифий хусусиятга эга, наср ва назм уйғунлигида битилган йирик фалсафий асар. Зоҳиджон Олов ижодида диний мавзулар ҳам четда қолмаган. Мисол учун, тождор вирус балоси ҳақидаги “Тавба дарчаси” шеърда шундай дейди:

...Бало ҳақдан берухсат келмас,
Бандасидан сўрамас изн...
Ёд этмасанг сен Оллоҳни, бас,
Оллоҳ сенга эслатар Ўзин!

Ахборот технологиялари ривожланиб, илм-фаннинг ўрни етакчи бўлиб турган ҳозирги замонда шоир китобнинг аҳамиятини таъкидлаб, биз катталарни, ота-оналарни уй-рўзгор, турмуш ташвишлари билан ўраллашиб қолмай, фарзандлар таълимига эътибор бериш, оилани илм-маърифатли қилмоқ мақсадида кўпроқ китоб ўқишга ундайди.

Кириш сўзида муаллиф камтарлик билан: “Тўпламдаги шеърлар асло панд-насиҳатларим эмас. Бор-йўғи, ўша ўттиз беш ёшгача бўлган хулосачалар, тажрибачалар, фикрчалар, холос” дейди. Камсуқумлик билан шуни ҳам таъкидлайди: “Сизга бир нималарни эслатиб турса бўлгани — мамнунман!” Ҳа, бу китоб кўп нарсаларни эслатиб, одамни гафлат уйқусидан уйғотиб туради. Турмуш иқир-чиқирларидан ортиқ ҳаётни, одамларни кузата бошлайсиз: “Шаҳар. Ёзги спорт майдони. Эрта тонгда бадантарбия қилаётганлар... Майдон ёнидан ёш оналар, балзат бувилар бола етаклаб ўтади. Ит етаклаган қизлар, аёллар ҳам чиқиб қолади”. Беихтиёр Зоҳиджон Оловнинг шеърини эслаб, мийғимда қулиб қўяман:

...Йўлларда тўқнашар андиша ва эрк,
Кўз билан айтилар салом ва хайр.
Боласин боғчага етаклар ўзбек,
Кимдир қилар пахмоқ ит билан сайр...

Жаҳон адабиёти тарихида эркинликда бор-йўғи йигирма беш йил яшаб, ўзининг бир ҳовуч асарлари билан миллий адабиёт тараққиётига ҳисса кўшган Усмон Носирдек бирор шоир бўлмаса керак. Тўғри, у совет давлатининг борса-келмас жойларида 1944 йилнинг март ойигача-яна олти йил яшади. У тергов жараёнида ҳам, қамоқхона ва лагерларга этап қилинганда ҳам ижод қилишдан тўхтамади. Аммо инсон зоти кўрмаган руҳий ва жисмоний азобларни бошидан кечириб, илҳом тулпори жароҳатланган шоирнинг шу даврда “Юрак”, “Монолог” ёки “Нил ва Рим” даражасидаги асарлар яратганига ишониш қийин. Шунинг учун ҳам Усмон Носирнинг ҳаётлик пайтида эълон қилинган шеър ва дostonлари ҳамда таржималари асосидагина фикр юритиш ва унинг замонавий ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини аниқ белгилаш мумкин.

Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижоди йилномасига назар ташлаган киши қуйидаги манзарани кўради:

1912 йил 13 ноябрь — Усмон Носир Наманган шаҳрининг Танҳоғур маҳалласида туғилди.

1921 йил — отаси вафот этганидан сўнг янги турмуш қурган онаси Холамбиби ва ўғай отаси Носирхожи билан бирга Қўқон шаҳрига кўчиб боради.

1921–1924 йиллар — 3-интернат-мактабнинг 1–4-синфларида ўқийди.

1924–1929 йиллар — ўрта мактабда ўқиб, битирув гувоҳномасини олади.

1930 йил — Москвага бориб, кинотехникумга ўқишга киради.

1931–1932 йиллар — Қўқондаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди...

Усмон Носир ана шу йигирма йил мобайнида камбағал оилда дунёга келиб, отаси вафотидан кейин етимлик азобларини бошидан кечириб, онаси янги турмуш қурганидан кейин ўғай фарзандлик жабрини тортиб, маълум вақт болалар уйида ва интернат-мактабда яшайди; Москвага юпун кийинган ҳолда ўқишга бориб, у ердан совуқ ва моддий қийинчилик туфайли биринчи курсни тугатар-туғатмас Қўқонга қайтиб келади. У бошқа тенгдошларидан фарқли ўлароқ, болалик чоғида етимлик даври изтиробларини кўпроқ тортишга мажбур бўлади. Ёшлик чоғидаёқ ҳаётнинг шафқатсиз синовларига дуч келади. Агар бошқа шоир ёшлик чоғида тақдирнинг бундай синовларини бошидан кечирганида иродаси синиб, пессимистик руҳ ва кайфиятга берилиши ҳеч гап эмас эди. Лекин Усмон Носир тақдирнинг шафқатсиз синовларидан шараф билан ўтди.

Усмон Носир, бир томондан, “ҳаёт қозони-»да пишиб, иродали, иккинчи томондан, истевъодли шоир бўлиб шаклланаётгани учун Шўхрат, Шўкрулло, Туроб Тула, Неймат Тошпўлат сингари ёш шоирлар унинг атрофида тўплана бошладилар. У бу авлоднинг яловбарддори бўлди.

Усмон Носирнинг 1929-1932 йилларда ёзган шеърларидан иборат “Кۈёш билан суҳбат” (1932), 1931-1932 йилларда ёзилган шеърларидан таркиб топган “Сафарбар сатрлар” (1932) шеърий тўпламлари ва Уйғун билан бирга Харьков шаҳридаги трактор заводига қилган ижодий сафари таасуротлари асосида ёзилган “Тракторбод” (1934) дostonи шоир ижодининг шаклланишида муайян аҳамиятга эга бўлди.

Усмон Носир орадан бир йил ўтгач, “Юрак” (1935) деб номланган шеърлар тўпамини китобхонларга тақдим этди. Бу тўпламдан жой олган “Шеърим”, “Юрак” сингари шеърлар гарчанд 1933 йилда ёзилган ва уларда ўсиб бораётган шоирнинг жилмайиб турганини кўрсак-да, Усмон Носир ижодига кескин бурилиш нуқтаси — 1934-1935 йиллардир. У шу йиллардан аввал ҳам икки-учта яхши шеър ёзган бўлса-да, 1934-1935 йилларда у фақат яхши шеърлар — ғовийй ва бадийий жиҳатдан баркамол шеърлар ёзишни ўзининг шеърият олдидаги бурчи, деб билди. У шоир сифатида ўз олдига катта вазифаларни қўйди. А.С.Пушкин (1799-1837) 24 ёшида “Боғчасарой фонтани”ни, М.Ю.Лермонтов (1814-1841) эса, “Демон”ни 25 ёшида ёзгани уни ўйлантириб қўйди. Бу ҳар икки шоирдан бирининг бор-йўғи 33 йил, иккинчисининг 37 йил яшагани ва уларнинг шу давр ичида нафақат рус, балки жаҳон адабиёти тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилган қатор асарларни яратиб улгургани унга катта сабоқ бўлди. У ёшлик ва навқиронлик ижодкор умрининг энг баракали фасли эканига ишонч ҳосил қилди. У, айниқса, “Демон”ни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида ижодий камолот босқичига кўтарилди. Агар тақдир уни 1937 йил даҳшатларидан сақлаб, эркин ижод этишига имкон берганида, ўзбек адабиётининг мумтоз намояндалари қаторига Усмон Носир деган буюк шоир ҳам, албатта, қўшилган бўларди. Лекин...

Лекин Усмон Носир Пушкин ва Лермонтовдан қанчалик ибрат олишга интилмасин, у Пушкиннинг ҳам, Лермонтовнинг ҳам икки бемаъни дузлда

рақиблари отган ўқдан ҳалок бўлганларидан ҳам сабоқ олиш лозимлигини ҳаёлига келтирмади. Айтиш жоизки, давлат, фан ва маданият ходимларининг қарийб ҳар бири орқасидан НКВД агентлари “соя” янглиғ эргашиб юрган, айтган ҳар бир сўзи, қўйган ҳар бир қадами учун жони билан жавоб бериш керак бўлган бир пайтда у ўзини ҳаддан ташқари эркин тутди. Кўнглига келганини қилди. Кўнглига келган гапни айтди. Унинг фожиали ҳаёти ижод оламига кириб келаётган ёшлар ва, умуман, ҳамма учун сабоқ бўлиши лозим.

Усмон Носирнинг ҳаётлик пайтида эълон қилинган шеърий тўпламлари ва таржималаридан ташқари, бу тўпламларга киритилмаган, аммо вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган ва аксар қисми

Наим КАРИМОВ,
академик

«ДАРДИМСАНКИ, ШЕЪРИМ, ЯХШИСАН...»

сақланиб қолган шеърлари борки, булар, бадийий савияси қандай бўлишидан қатъий назар, бизнинг адабий-маданий бойлигимиздир. Бу бойлиқни ўрганишга киришган адабиётшунос олим ҳам, оддий китобхон ҳам Усмон Носир шеърларида Гейне, Пушкин, Есенин типидаги забардаст лирик шоир қалби зарб бериб турганини сезади. Айниқса, шоирнинг 1934-1935 йилларда ёзилган шеърларини ўқиганимизда лирик сюжетнинг булоқ мавжлари янглиғ ўйнаб оқаётганини, табиатдаги илоҳий гўзалликдан мутаассир бўлган лирик қаҳрамон қалбида турфа туйғуларнинг жۈш уриб тургани ва бу ранго-ранг туйғуларнинг китобхон қалбида акс-садо берганини сезиб тураимиз.

Шоирнинг шундай шеърларидан бири “Юрган-мисиз бирга ой билан...”дир. Аввало айтиш жоизки, Усмон Носирдек лирик шоирлар одатда ой нурлари остидаги тунги сайрларни, чўққилари мовий осмонни тешиб чиққан тоғлар этағида нафас олишни ёки ижодхона деразасидан тунда чакмоқ чақиб, баҳор ёмғирининг шиддат билан ёға бошлаганини кўришни севишади. Насрулло Охундийнинг эслашича, Усмон Носир эрта тонгда кۈёшнинг Бешоғочдаги Ёшлар кўли узра оҳиста кўтарилишини кўришга ишқибоз бўлган экан...

Бояги шеър бундай бошланади:
Юрганмисиз бирга ой билан
Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда?
Майсаларга шабнам кўнганда
Шундай яхши, тинч бўлар экан...

Бу сатрларда ойнинг тунги осмон денгизида оҳиста сۈзиб бориши, ям-яшил майсаларнинг шабнамдан товланиб туриши, гۈё бутун оламнинг тинчлик оғушига кириши каби манзаралар бирор ташбеҳсиз, оддий сўзлар воситасида чизилган. Лекин ана шу тасвирдан ойдин туннинг майин ва нафис мусиқаси эшитилиб туради. Буюк немис композитори Бетховен шундай ойдин кеча мусиқаси таралиб турган пайтда — шу илоҳий манзара таъсирида ўзининг машҳур “Ой сонатаси”ни ёзган. Усмон Носир ҳам шу манзарани қалб кўзи билан томоша қилар экан, кутилмаганда бундай ёзади:

Ҳаво гۈё тиниқ, соф бода,
Кўнгил сезар ҳаётнинг сирин.

Ҳаётнинг сирин... Шоир кўнгли ҳаётнинг қандай сирини сезган?... Афсуски, биз бу сирнинг нимадан иборатлигини билмаймиз. Аммо Усмон Носир шафқатнинг сўниш олдидаги манзарасини бошқа бир шеърда тасвирлаб, шеърни бундай сатрлар билан тугатган эди:

Ўтган қайтиб келмайди,
Эртани севиниб кут.

Усмон Носирнинг лирик шеърларини диққат билан ўқисак ҳам, уларнинг бирортасидан “Ҳаёт сирини нимада?” деган саволга жавоб топа olmayмиз. Лекин юқоридаги шеърлардан ҳаётнинг гۈ-

заллиги, бу гўзалликнинг ўткинчилиги, ана шу гўзалликнинг кўринишларидан бири шеър ва шеърят эканлиги ҳақидаги фикр жилва бериб турган-дек бўлади.

Шоир “Яна шеъримга” деган сонетида эса бундай ёзади:

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг гуллар шарманда...
..Юрагимнинг дарди, нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч қанда!
Шеърни бундай шоир-сатр билан тугатади:

Мен – Мажнунман, шеърим – сен Лайли!
Ҳаётнинг сирин, Усмон Носирнинг тушунишича, шундаки, ҳаёт (табиат, дунё) гўзалликдан иборат; бу гўзалликни ҳис этиш, ундан завқ олиш тоза ҳаводан нафас олиш билан баробар. Бу, гўзал ҳақиқат.

Ҳаво гۈё тиниқ, соф бода,
Кўнгил сезар ҳаётнинг сирин.

Агар биз Усмон Носирнинг “ҳаёт сирин” деган сўзларини тўғри тушунган ва тўғри талқин этган бўлсак, бу талқиннинг давомини ҳам айтиш ўринли бўлади.

Гўзаллик ҳаётда. Ҳаёт эса биз кўраётган табиат, биз яшаётган дунё. Ҳаётда шундай нарсалар борки, инсоният уларсиз бир кун ҳам яшай олмайди. Бу, сув ва ҳаво. Озик-овқат ва кийим-кечак... Инсоният фақат моддий-маиший ҳаёт билангина яшамайди. Инсон ҳаётининг муҳим қисмини маданият ташкил этади. Маданият эса Гўзаллик дегани. Гўзаллик эса табиатдан, инсониятнинг ички (руҳий) ва ташқи дунёсидан нур сочиб туради. Усмон Носир

дарсларида камина шу шеър ёзилган 1933 йилда (ундан олдин ва кейин) Қўқон мактабларида шу ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилган, деб айта олмаيمان. Ҳатто адабиёт фани ўқитувчилари ҳам ўша вақтда бу порлоқ исмларни билмаган ва эшитмаган бўлиши мумкин.

Милоддан аввалги VII–VI-асрларда Лебос оролида яшаган юнон шоираси Сапфо афсонавор муҳаббат куйланган асарлари билан жаҳон муҳаббат лирикасининг бошловчиларидан бири ҳисобланади.

Алиғъери Данте (1269-1321) — буюк италян шоири, 3 қисмли “Илоҳий комедия” (“Дўзах”, “Аъраф” ва “Жаннат”) асари муаллифи.

Буюк италян шоири Франческо Петрарка (1304-1374) — бутун умри давомида Лаурани севган ва барча сонетларида фақат шу маликага бўлган муҳаббатини илоҳийлаштирган шоир.

Италян шоири, Уйғониш даври шоирларининг иккинчи авлоди вақили Торквато Тассо (1544-1595) “Озод қилинган Иерусалим” эпик дostonи ва “Аминта” драмаси билан шухрат қозонган.

Буюк англиз драматурги Уильям Шекспир (1564-1616) эса “Ҳамлет”, “Отелло”, “Ромео ва Жульетта” каби трагедияларида Ҳамлет ва Офелия, Отелло ва Дездемоналарнинг фожиали муҳаббатларини дохий санъаторларга хос буюк маҳорат билан тасвирлаган. У айни пайтда ўзининг исми сир бўлиб қолган маҳбубасига бўлган муҳаббатини юздан зиёд сонетларида жўшиб куйлаган...

Усмон Носир номлари юқорида зикр этилган муҳаббат куйчилари ҳақидаги маълумотни мактаб

ўқитувчисидан эмас, ўқиган китобларидан олган. У фақат истевъодли шоир эмас, тинмай китоб ўқиган, нафақат ўзбек, балки рус ва жаҳон адабиёти тўғрисида ҳам ёрқин тасаввурга эга бўлган, нафақат юқорида тилга олинган жаҳон адиблари ва улар асарларидаги ошиқ ва маъшүқа қаҳрамонларни, балки уларнинг — шу ёзувчиларнинг ҳам ўз Жульетталари, Зухра ва Лайлилари бўлгани ва уларга бағишлаб юрак қони билан ёзган асарларини ҳам яхши билган.

Ана шундай бой адабий билимга эга бўлган Усмон Носир бир-бирига ўта муносиб ва бир-бирини Ромео ва Жульеттадек оташин муҳаббат билан севган қиз ва йигит ҳаётининг Яголар туфайли фожиа билан тугашини ўта адолатсизлик деб билган. У ошиқ ва маъшүқаларнинг бахти йулида тўғаноқ бўлган кимсаларгагина эмас, балки ўзида Адолат ва Ҳақиқат таъқирланган даврларни мужассамлантирган замон зўравонларига қарши исён кўтаради.

...Ки, одамнинг ўзигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр.
Қийналаман, юрагимда ҳовур...
...Бу – қаршлилик! Кўринг тарихни,
Парвонадек қаноти куйган.
Бу – қаршлилик! Кўринг тарихни,
Умр тепасида мушт туйган...

Усмон Носир гарчанд “Монолог”ни “Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди Сенга қарши бош кўтармасдан, Асларни йилгатган севги...”, деган сатрлар билан тугатган бўлса-да, унинг ва лирик қаҳрамонининг ғазаб қиличи “Асларни йилгатган севги”га эмас, балки миллионлаб китобхонларни ҳаяжонлантириб келаётган жаҳон адабиётидаги (бинобарин, ҳаётдаги) ошиқ ва маъшүқалар фожиясининг бош сабабчиси — Яголарга ва улар гуллаб-яшнаган, “яғолашган” даврларга ҳам қаратилган.

Агар Усмон Носир шеъриятига чуқурроқ назар ташласак, бу шеърят марказида адолат учун кураш ғояси жаранглаб турганини сезамиз. Бу ғоя унинг фақат лирикасидагина эмас, “Нил ва Рим” шеърнда, айниқса, бонг уриб туради.

Нил ва Рим... Бу икки номдан бири Мисрда оққан дарё, иккинчиси эса шаҳар-империя, кейинчалик Италиянинг поштахти... Усмон Носирнинг шу икки номдан таркиб топган опти қисмли шеърини дoston дейиш ҳам мумкин. Унда тасвирланган давр, унда кўтарилган муаммо, унда ифодаланган ғоя шу шеърни дoston деб аташга тўла ҳуқуқ беради. Унда миллодгача бўлган 264 йилдан миллидий V асргача бўлган даврда Рим империясида рўй берган тарихий воқеалар тасвирланган. Шу катта тарихий даврда Юнонистон ва Римда Ҳомердек буюк шоирлар ва Гай Юлий Цезардек буюк императорлар яшаган.

Антик даврдаги Юнонистон ва Рим инсоният маданиятининг бешиги ҳисобланади. Шу тарихан катта даврда адабиёт, театр, мусиқа, тасвирий санъат,



ҳайкалтарошлик ва меъморчилик мислсиз даражада равнақ топганига қарамай, шу даврда Нилнинг қуллар қони билан тўлиб-тошиб оққани инсониятни даҳшатга солиб келади.

Шоир тарихий давр манзарасини тасвирлар экан, бизнинг эътиборимизни ўлим ҳиди анқиб турган циркка қаратади:

Рим устида шамсиядек туманли осмон,
Катта циркка сийғимасдан қайнар оломон...
Тишларини иржантириб бўкирган йўлбарс
Тўрт тарафга ташланади, талпиниб ларс-ларс.
Оч кўзлари қонга тўлган, сакраб ўйнайди,
(Гладиаторга қараб.)

О, бечора, қоч! У сени тирик қўймайди...

Усмон Носир оч гладиаторларнинг оч йўлбарслар билан жанг майдонига тушиши ҳам томошага ўч оломонни завқлантириш, ҳам бир бурда нон учун жанг бўлаётганини кўриб, ҳайқириб юборади: “Ўлим яхши, агар одам шундай хор бўлса, Бир парча нон нима ўзи! Шунга зор бўлса!”

Бу олис ўтмишда рўй берган воқеа. Аммо Усмон

Носир шу ғайринсоний воқеани ўз кўзи билан кўрган кишидек тасвирлар экан, қаламидан ваҳшийлашган инсонларга бўлган ғазаб ва нафрат олов янглиғ отилиб тургандек бўлади.

Сариқ қумлар орасидан қон рангли кۈёш –
Кўтарилар. Нил оқадир – қуллар тўккан ёш.
Фарёдларга чидолмайди ер билан осмон.
Ра қаерда? Азириса? Қийнайди Тифон!
Кимга йилглаб, кимдан мадад кутсин бемор қул?
Эрки қўлларга, ҳаёти қулф, бор худодлар қулф.
Косасида сув йўқ, қуруқ халтаси: нон йўқ!
Ботаётган кۈёш каби рангида қон йўқ!
Миср бўйлаб Нил оқадир – қуллар тўккан қон!

Усмон Носир наздида, бу қуллар оддий қуллар эмас, балки Юнонистон ва Римдаги неча чақиримлаб олисдаги улкан тош ва харсангларни ташиб келиб, йўниб, тарошлаб, силлиқлаб ҳайкаллар, йўл-лар, қасрлар, пирамидаларни барпо этган, қилч ва қалқонлар бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган салтанатни қудратли империя даражасига кўтарган халқ — шу қуллар эмасми?..

Антик дунёнинг шу “Одиссея”си билан танишган Усмон Носир ўзбек халқининг ҳам неча аслрлар давомида дастлаб Искандар, Чингизхон, ундан сўнг араб кўшинлари босқинидан кейин қул бўлганини эслар экан, кутилмаганда бундай даҳшатли ҳақиқатни айтиб юборади:

Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди,
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб...
Келажонг обидасин қўрган инсонман!..

Усмон Носир Спартак раҳбарлигидаги исён сабабларини ё антик дунё тарихига оид китобларни ўқиб ёки кимлардандир эшитиб, гладиаторлар жангини ҳаяжон ва эҳтирос билан тасвирлаган. У шундай розолатнинг нафақат XX асрда, ҳатто кейинги асрларда ҳам давом этиши мумкинлигини сезган бўлиши мумкин.

Усмон Носирнинг бу шеър-dostonида курашчан гуманизм, муҳим ижтимоий воқеаларга фаол муносабат, инсоният ва маданиятлар тақдирини ҳақида куйиниш пафоси шундай янграб турадики, лирик шоирнинг йигитлик фаслидаёқ умуминсоний аҳамиятга молик мавзу ва масалаларга мурожаат этганини кўриб, унинг яқин келажақда улкан шоир даражасига кўтарилиши мумкин экан, деган хулосага келасиз.

Усмон Носир ижодини лирик шоир сифатида бошлаган эди. У кейин ҳам лирик шеъриятга содиқ бўлиб қолди. Лекин, бир томондан, Испанияда генерал Франко бошчилигидаги фашизмнинг уйғониши, иккинчи томондан, жаҳон ва рус “Гражданлик шеърияти” аънаналари уни умуминсоний аҳамиятга молик мавзуларда ҳам ижод қилишга ундади. Усмон Носир “Нил ва Рим” шеъри билан ижодий имкониятлари ғоят кенг эканини яна бир бор исбот қилди.

БУХОРОДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Бухородаги “Модарихон” мадрасасида ҳунармандчилик маркази очилди. Унда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, секторлар раҳбарлари, ҳунармандлар, ҳунар ўрганаётган ёшлар, сайёҳлар, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Бухоро вилояти бандлик бошқармаси, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан айни вақтга қадар бўш турган мазкур маданий мерос объектидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан мадраса Бухоро шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказига берилди.

Ўз даврида илм-маърифат маскани ҳисобланган ушбу мадраса таъмирлаш-пардозлаш ишларидан сўнг ҳунармандчилик марказига айланди. Эндиликда бу ерда 20 нафар ҳунармандлар томонидан моно-

марказ билан тузилган шартнома асосида мисгарлик, ёғоч уймакорлиги, қандакорлик, каштачилик, зардўзлик, миниатюра рассомчилиги сингари ҳунарларни ўргатиш имконияти яратилди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Ботир Зарипов аҳолини касбга ўргатиш орқали улар бандлигини таъминлаш ва оила даромадини оширишни мақсад қилган мазкур марказ қадимий ҳунармандчилик

намуналарини янада оммалаштириш, вилоятнинг туризм салоҳиятини юксалтиришга муносиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. XX асрнинг бошларида Бухорода 250 дан зиёд мадраса мавжуд бўлган. Шулардан бири 1566-1567 йилларда Абдуллахон томонидан онаси шарафига бунёд этилган “Модарихон” мадрасасидир. XVI аср меъморчилик аъналарини ўзида ифодаловчи бу ёдгорлик Абдуллахон ма-

драсаси қаршисида жойлашган. Иккаласи Қўш мадраса мажмуасини ташкил қилади. Мадраса улкан пештоқ, миёнсарой, дарсхона, масжид ва ҳовли атрофида икки қаватли қилиб қурилган айвонли хужралардан иборат. Уюмларнинг ҳар бирида эшик ва унинг тепасида ганчқори панжара мавжуд бўлган.

“Модарихон” мадрасаси 1960 йилда давлат томонидан муҳофазага олинган.

Шундан сўнг мадраса биноси туристлар учун саёхат йўналишига киритилади. Истиқлол йилларида мадраса тўла таъмирланиб, кўҳна ва боқий Бухоро кўркига кўрк қўшди. Марказнинг очилиш маросими ўзига хос тантанага айланди. Йилгиланлар марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА муҳбири


Галерея:




Натюрморт (1983).



Тераклар (2003).



Дераза. Нефтичлар хонаси (1975).



Субҳидам (1990).

Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, rassom Чингиз Фарзалиев ижодидан намуналар

ЁШЛАР ОВОЗИ



Дунёга жим келиб, жим кетар,
Меҳмон қиз деб ўйланган мени.
Бармоқлари тиканга тўлган,
Дехқон қиз деб ўйланган мени.

Жайронлар кўнглимдан сув ичар,
Юлдузлар утирар елкамда.
Бу қадим қарвоннинг йўллари
Кафтимга туташган экан-да.

Изимдадур тўрт баҳри уммон,
Кунчиқшдан кунботаргача.
Билагимга бош қўйиб қуёш,
Тин олади тонготаргача.

Кўзларимга боқинг дадилроқ,
Кўринар осмоннинг охири.
Дунёнинг шўрини ювади,
Юрагимнинг мовий соҳили.

КЕТАПСИЗМИ?

Севгимизнинг кўзларин ёшлаб,
Юрагимни ўтларга ташлаб,
Кўнглимизни гамларга бошлаб,
Кетяписизми?

Иш шаҳридан бош олиб, кўчиб,
Сулуларнинг макрига учиб,
Ўзга ёрни эркалаб, кучиб,
Кетяписизми?

Хаёт йўлларида қоқилмай,
Бахтнинг пойларига йиқилмай.
Тангининг ҳужумидан ўқинмай,
Кетяписизми?

Қалбимизда меҳр гули очилмай,
Ғарбингиз гуноҳларингиз кечирмай,
Исмингизни юрагимдан ўчирмай,
Кетяписизми?

МАКТУБ

Отажон, соғингиз, бормисиз омон,
Эзиб қўймадимиз сизни ташвишлар?
Ташиб юргангиз оқлаб сомон,
Кўлингиз тилгандир асов қамишлар.

Ота, қовушингиз тешилмадим,
Шудгор қилавериб бир парча ёрни.
Мен эса оқлолмай юрибман, аттанг,
Пешонангиз туккан бир томчи терни.

Ота, қошингизга оқ ҳам оралаб,
Кўпайиб кетгандир ажинларингиз.
Биламан, оғриқлар келган қоралаб,
Ҳатто оғриқларни ранжитмагансиз.

Ота, нечундир мен эслай олмаман,
Сиз ҳам янги дўппи кийганингизни.
Офтобда қорайди елкаларингиз,
Лекин пок тутдингиз виждонингизни.

Ота, тушларимда кучиб йиғлайман,
Рангларни унқатган чопонингизни.
Соғиндим томида қизғалдоқ унган,
Ўша лойсувоқли айвонимизни.

Ота, йўлларимга қараб тургандай,
Онам ўттиз йиллик қўйлагин кийиб,
Мен қандай яшайин, ўзингиз айтинг,
Соғингиздан ўртаниб, соғингиздан қуйиб?!

Ота, юрагимни ёритмаёпти,
Чироқлари ёнган ойдин кўчалар.
Хаёлимни эса ўғирлаб олган,
Ой билан сирлашган оппоқ кечалар.

Отажон, кечиринг, мен қоллолмаман,
Шундай кенг шаҳарда шоира бўлиб.
Яхшиси, далада ўтин терман,
Товонлари ёриқ савдойи бўлиб.

Хосият ЙЎЛДОШЕВА.

Сурхондарё вилояти,
Қизиқ тумани

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уюш-
ма аъзоси, филология фанлари доктори,
профессор Нурбой Жабборовга отаси
АБДУЛҲАКИМ БОБОНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдард-
лик билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони
12 август куни чиқади.

СОВҒАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ

Шер туғилган кунини нишонларди. Ҳай-
вонлар уни сийлаб турли совғалар келти-
ришмоқда. Айрим ҳайвонлар ўз ўлжалари-
ни тортиқ қилишар эди.

Сереикор Шер совғаларни қабул қилиб,
улардан тановул қиларди.

Бир пайт Чумоли битта чўпни судраганча
келиб қолди. Шер ундан:

— Бу нима? — деб сўради.

— Совға, — деди Чумоли.

— Қанақа совға? — сўра-
ди Шер белсандлик бил-
лан.

— Тиш қовлагич, — деди

Чумоли.

Совға-саломдан тиши-
нинг қоваги гўштга тўлган Шер:

— Мана буни совға деса бўлади, — деб-
ди.

МУВОЗАНАТ

— Мен бўрилигимни ташладим, энди тул-
килар билан яшайман, — дебди Бўри.

Бу гапни эшитган бошқа ҳайвонлар: «Ер
юзид айёр, ҳийлагарлар сони яна биттага
кўпайди», деб ташвишга тушибдилар.

ШУДГОРДА ҚУЙРУК

Каламуш шудгордан ўтиб бораётса, Тул-
ки оғзида қуйруқ тишлаганича қопқонда донг
қотиб ётган экан. Каламуш унга қараб: «Эй
каллаварам, бир балоси бўлмаса, шудгорда
қуйруқ на қилур!» деб ўтиб кетибди.

Каламуш инининг олдида келса, уни қуйруқ
жиззасининг димоқни қитиқловчи хиди сар-
маст этдиби... Қопқонга тумшуғидан илинган,
боғи мақол унинг калласидан яна бир бор ай-
ланибди, лекин энди ундан хулоса қилишнинг
фойдаси йўқ эди.

ЎЗГАНИНГ ПАНОҲИ

Тулки ўз обрўсини ошириш мақсади-
да Айиққа йўлдош бўлибди. Йўлда уларга
Бўри дуч келиб қолибди. Тулки ўзини ўрмон
полвони билан ҳамроҳ эканидан талтайиб,

МАСАЛЛАР

Бўрини писанд қилмай, салом бермай ўта-
ётган экан, Бўри Айиққа дебди: «Эй Айиқ
полвон, ёнингдаги Тулки кулим бўлади-я,
тезроқ уни ортига қайтариб юбор, қилади-
ган ишлари кўп».

Айиқ манзилга етиб келгач, Тулкига:
«Борақол, сени хўжайининг кутиб
қолгандир», дея уни ортига
қайтариб юборибди.

ЗАҲАР ЗОҲИРИ

Илон Арини масхара-
лаб сўз қотибди:

— Зиғирчагина захринг
бор, у ҳеч кимга таъсир қил-
майди.

— Юр, захримизнинг кучини амалда си-
наймиз, — дебди Ари унга жавобан.

Улар пичан ўраётган одамларнинг олди-
га боришибди.

Ари Илонга:

— Сен шу кишини қақиб яширинасан, —
дебди.

Илон Ари айтгандай ўроқчининг оёғи-
дан қақиб кўздан ёғиб бўлибди. Шу пайт
Ари гўнғиллаб оёқ остидан учиб чиқибди. У
киши: «Ҳа лаънати, ари қақди-я», деб оёғи-
ни бир икки қақиб ишини давом эттираве-
рибди.

Сўнг улар иккинчи бир одамнинг оёғи
остида пайдо бўлишибди.

— Бу гал мен қақиб яширинаман, сен оёқ
остида чиқасан, — дебди Ари.

Ари унинг оёғини қақиб ўтлар орасига
яширинибди. Илон шу пайт важоҳат бил-
лан вишиллаб чиқибди. Буни кўрган одам:
«Вой-дод, илон қақди!» деб хушидан кетиб
йиқилибди.

Шунда Ари Илонга:

— Кўрдингми, сенинг захринг зўр эмас,
туркинг совуқ, сени кўрганларнинг ўтақаси
ёрилади, — дебди.

Абдулла Аҳмад МУҲАММАД АЛИ

МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИ

Тошкент фотосуратлар уйида
рассом Рўзихон Жалилованинг
“Ўзбекистон: янги санъат тарихи-
дан илҳомланиб” деб номланган
кўргазмаси очилди. Экспози-

бўлса-да, мухлисларда илиқ таассу-
рот қолдиради.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлари
ва ЮНЕСКО ҳузу-
ридаги Рассом-
лар уюшмасининг
аъзоси Василий
Луконининг “Оқ-
шом ҳам бўлган
эди, тонг ҳам” деб
номланган кўргаз-
маси Тошкент фо-
тосуратлар уйида
очилди. Унда рас-
сомнинг саксонга



В.Луконин. Тунги чироқлар ёнганда (1993).

циядан муаллифнинг эл-
ликдан ортиқ асари ўрин
олган. Мусаввира бир неча
йиллар давомида Фарғона
давлат университетидан дарс
бериш билан бирга, истеъ-
додли шогирдларини ижод-
га йўналтириб келаяётгани
эътирофга лойиқ. Р.Жали-
лова табиат манзарасини
ёркин ранглар уйғунлигида
меҳр билан тараннум этади.
Айниқса, акварелда чизил-
ган “Муборак опа портрети”,
“Олтириқда пахта терими”
каби ишлари ранглар жи-
лосининг узгачалиги билан
ажралиб туради.

Ижодкор туғилиб ўсган
ва яшаб келаяётган гўзал
водийнинг рангин манзаралари
таъсирланган компози-
цион ишлар кўргазмага ке-
лувчилар эътиборини тортмоқда.
Айниқса, “Ёрдон. Ёмғирдан сўн”,
“Довонда ёз”, “Шохимардон суви”
сингари манзараларида ранглар
ечими композицияга уйғунлиги
билан эътиборни тортади. Р.Жа-
лилованинг натюрморт жанрида-
ги асарлари содда кўринишга эга



Р.Жалилова. Автопортрет (1995).

якин асарлари намойиш этилмоқда.
Экспозициядан ўрин олган асарлари
маҳобатлилиги билан ажралиб туради.
Рассом турли мевалардан тузилган
натюрмортларни узгача завқ билан
чизган. В.Луконининг график иш-
лари қизиқарли ва мазмунли мавзуси
билан томошабинни мушоҳадага чор-

лайди. Кўхна Бухоро ва Хива шаҳар-
ларига бағишланган “Бухоро. Бозор
олдида”, “Хива. Пешин” каби асарла-
ри томошабинларда катта таассурот
қолдирди. Кўпчилигида кўхна замон
асарларининг композицияси мураккаб
бўлишига қарамай, мукамал ишлан-
ган, уларда қўлланган иссиқ рангларда
макон тафти уфуриб туради.

Ўзбекистон Бадий академияси-
нинг Марказий кўргазмалар залида
очилган “Ўзбекистон санъати уста-
лари” номли кўргазма Ўзбекистон
халқ рассоми Эмануэль Калонтаров,
рангтасвирчилар Юрий Зорь-
кин ва Юрий Талдикин таваллу-
дининг тўқсон йиллик санасига
бағишланди. Кўргазмада юзга
яқин асарлар намойиш этил-
моқда.

Кўргазма ташкил этишдан
мақсад санъат усталарига ҳур-
мат бажо келтириш билан бирга,
уларнинг ижодий ютуқларини
ҳозирги авлод рассомларига
ва санъат илҳомидларига на-
мойиш этиш ҳамда Ўзбекистон
санъати тарихидаги қизиқарли
давр билан таништиришдир. Бу
рассомларнинг ҳаёт ва ижоди
миллий маданиятимизга, та-
рихимизга, халқимиз ҳаётига
ҳамоҳанг бўлиб, ўз асарларида
умуминсоний фазилатлар ва
кадриятлар моҳиятини теран
очиб берганлар. Ушбу мўйқалам
усталарининг ҳар бири ўзининг
ёркин услубига эга ижодкор
эди. Намойиш этилаётган жанрли
рангтасвир, портретлар, манзара
ва натюрмортлар, кинокартиналар
ва театр постановкалар эскизлари орқали
мухлислар рассомларнинг ижодий
устахонасига назар соладилар.

Сарвара ҚОСИМОВА

Эълон

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Ko'chmas mulk savdo xizmati”

МЧЖ дастлабки очик танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган
очик танлов савдоларига, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖнинг 2022
йил 12 июлдаги 111-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар,
Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчасида қурилиши режалаштирилаёт-
ган савдо шохобчаларининг ижара ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. 112а- савдо дўкони умумий майдони 6,5м² бўлган миллий кийимлар
савдо шохобчаси бошланғич баҳоси – 21 666 625 сўм.

2. 112б- савдо дўкони умумий майдони 6,5м² бўлган миллий кийимлар
савдо шохобчаси бошланғич баҳоси – 21 666 625 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар
ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат
10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талаб-
горларнинг таклифлари 2022 йил 22 август куни соат 11:00дан бошлаб

қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи
ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилиш охири-
ги мuddати 2022 йил 19 август куни соат 18:00да тўхтатилади.

Юқоридаги савдо шохобчаларнинг ижара ҳуқуқлари 2022 йил 22
август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2022 йил 31
август 12,21, 30 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ари-
заларни қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан уч кун
олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдодага қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган
таклифлари ва ариза билан биргаликда қўйидаги ҳужжатлар тақдим
этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғри-
сидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан
бошлаб 20 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартно-
маси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулкнинг умумий
ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан
тузиладиган бақалат келишувига асосан, ижарага олиш ҳуқуқининг
бошланғич баҳосини 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги сумма-
ни зақалат сифатида “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ
“DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001,
МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза
топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва сав-
дода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тош-
кент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртарик кўчаси, 11/2-уй.

Тел: (95) 199-12-21, (95) 195-12-21. www.kmsx.uz.

Электрон почта: ko'chmasmulk@mail.ru.

Лицензия RR-0001.



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахриратга келган кўғезмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигида томондан
0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 940. Буюртма Г - 744.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X



Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.